

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

АХМЕДОВ ЖАМОЛИДДИН КАМОЛИДДИНОВИЧ

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА
ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Йўналишлари**

Мутахассислиги: 5А341001 – Мамлакатлар минтақашунослиги: иқтисодиёт ва
мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Садриддинова Х.

ТОШКЕНТ – 2011

Магистрлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилади

Магистратура бўлими

бошлиғи

Ҳабибуллаев А.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ	
1.1. Таркибий ўзгаришларнинг моҳияти.....	10
1.2. Иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти ва омиллари.....	20
2-БОБ. БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ	
2.1. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётининг тармоқ таркиби ва ундаги ўзгаришлар	29
2.2. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётининг ҳудудий таркиби.....	54
3-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
3.1. Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш омили сифатида.....	69
3.2. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.....	79
ХУЛОСА	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	98

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида яқка мулкчиликка барҳам берилди ва янги мулкчилик шакллари ривожлана бошлади. Бу эса миллий иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имкониятини берди. Бугунги кунда ҳам илғор таркибий ўзгаришларни амалга ошириш республикаимизда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ва мақеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда”¹.

Бу устувор вазифани амалга оширишда ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Ўзбекистон учун илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Форс кўрфази араб мамлакатлари орасида бу соҳада Бирлашган Араб Амирликларида ижобий тажриба тўпланганлигини таъкидлаш жоиз. Қисқа тарихий даврда мазкур мамлакатда таркибий ўзгаришлар соҳасида улкан муваффақиятларга эришилди. Хусусан, агар 1975 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги 51,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 79 фоизга етди. Аини вақтда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 43,5 фоиздан 17,4 фоизгача пасайди. Бундай

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз тараққиётни юксалтириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.22-23.

мувафқасиятларга эришишда БАА ҳукумати томонидан амалга оширилган таркибий сиёсат ва иқтисодиётни нефтга боғлиқлигини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлари муҳим ўринга эга бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида модернизациялаш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги кунда иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги ва ушбу муаммони ҳал этишда хорижий мамлакатлар, шу жумладан, БАА тажрибасидан фойдаланиш зарурияти ушбу магистрлик диссертациясининг танланишига сабаб бўлди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари - Андерсен Р., Браун Д., Водачек Л., Герхард П., Джанков С., Мюррел П., Старк Д., Фридман Р. ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг объектив зарурлиги, шунингдек, мазкур жараённинг илмий-услубий жиҳатлари МДҲ олимлари - Айвазян З., Алпатов А., Александрович Я.М., Астахов А., Бачурин А., Баев И.А., Биван А.А., Богданович В.В., Дерябина М., Евсеев А., Заварзина Н., Логинов В., Кожин С.В., Крук М., Мицкевич В., Тутунджян А., Шимов В.Н. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бошқарув таркибини такомиллаштириш ва реструктуризациялаш муаммолари мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари – М.Н. Абдуллаева, Б.Б. Беркинов, М.А. Икромов, А.М. Қодиров, О.Б. Мансуров, Г.К. Саидова, М.Л. Турсунходжаев, И.С. Тухлиев, Н.Б. Холматов, Р.И. Яушев, О.Х. Хикматов ва бошқаларнинг ишларида батафсил кўриб чиқилган.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар йўналишларини асослаш ва

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда БАА тажрибасидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришишда қуйдаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- турли назарий қарашлар ва жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида таркибий ўзгаришларнинг моҳиятини очиб бериш;
- иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг объектив зарурият эканлигини асослаш ва ушбу ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омилларини аниқлаш;
- Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишларини асослаб бериш;
- Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг ҳудудий хусусиятларини очиб бериш;
- Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларнинг иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга таъсирини асослаш;
- Бирлашган Араб Амирликларининг иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар танлаб олинди.

Тадқиқот предмети бўлиб иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш жараёнлари ва бу соҳада юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Магистрлик диссертациясини ёзиш давомида тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил ва статистик гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологияси ва методи. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.А.Каримовнинг асарлари, Марказий Осиё мамлакатлари ҳукумат қарорлари, ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги Шартнома катнашчиларининг қонун ва норматив ҳужжатлари, хорижий ва мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг ҳудудий интеграция соҳасидаги илмий изланишлари хизмат қилди.

Диссертация ишининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, МДХ Давлатлараро Кенгаши материаллари, Марказий Осиё республикалари статистика органларининг оператив маълумотлари, махсус адабиётлардан фойдаланилди.

Магистрлик ишининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида кечаётган таркибий ўзгаришлар йўналишлари асослаб берилган. Унга боғлиқ ҳолда ишнинг илмий янгилик хусусиятларига эга жиҳатлари қуйдагилардан иборат:

- турли назарий қарашлар ва жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида таркибий ўзгаришларнинг моҳияти очиб берилди;

- иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг объектив зарурият эканлиги асосланиб, ушбу ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар бир тизимга келтирилди;

- Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг ҳудудий хусусиятлари очиб берилди;

- Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, уларнинг иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга таъсири асослаб берилди;

- Бирлашган Араб Амирликларининг иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Диссертацияда илмий жиҳатдан

асосланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан “Араб мамлакатлари иқтисодиёти”, “Хорижий Шарқ мамлакатларида давлатнинг роли” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан иборат.

Киришда тадқиқ қилинаётган муаммонинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, апробация натижалари ва диссертация мазмуни бўйича чоп этилган мақолалар баён этилган.

“Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни тадқиқ этишнинг назарий-услубий масалалари” номли биринчи бобда турли назарий қарашлар ва жаҳон тажрибасини умумлаштириш асосида таркибий ўзгаришларнинг моҳияти очиб берилган, иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг объектив зарурият эканлиги асосланиб, ушбу ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омиллар бир тизимга келтирилган.

“Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти таркибининг ҳозирги ҳолати” номли иккинчи бобда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётининг тармоқ таркиби таҳлил қилиниб, ундаги ўзгаришлар йўналишлари асослаб берилган, Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг ҳудудий хусусиятлари очиб берилган.

“Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш йўллари” номли учинчи бобда Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, уларнинг иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга

таъсири асослаб берилган, Бирлашган Араб Амирликларининг иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари умумлаштирилган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Таркибий ўзгаришларнинг моҳияти

Иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришда уч сектор назариясини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Унинг асосчиси Колин Кларк ва 1940 йилда нашр этилган «Иқтисодий ўсиш шароити» асаридир. Унга кўра иқтисодиётларнинг такомиллашиб борган мамлакат таркибий тузилишида асосий қисми қишлоқ хўжалигидан (биринчи сектор) иккинчи секторга саноат ривожланган таркибий тузилишга кейинроқ эса учинчиси хизмат-кўрсатиш таркиби етакчилигига ўтади. Мамлакат иқтисодиётининг таркибий такомиллашуви қуйдагича тартибда амалга ошади.

Аграр иқтисодиётда аҳоли иш билан банд қисмининг 80 фоизи қишлоқ хўжалигида, 10 фоизи саноатда, 10 фоизи хизмат кўрсатишда банд бўлади.

Саноатлашиш даврида иқтисодиёт бирламчи секторининг улуши пасаяди ва иккинчи сектор салмоғи эса маълум даражагача, тахминан 50 фоизгача кўпайиб боради. Шу билан бирга учинчи секторнинг улуши ҳам бирмунча ошади. Постиндустриал босқичда эса бандлик даражаси саноат ишлаб чиқаришида пасаяди, учинчи сектор улуши 80 фоизни ташкил этади.

Бу уч сектор қонуни кўп тортишувларга сабаб бўлган, аммо амалиёт унинг тўғрилигини кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши олдинма-кетин содир бўладиган, алоҳида секторлар камайиши ва кўпайиши билан боғлиқ таркибий ўзгаришлардан иборат. Иқтисодиёт ва унинг таркиби ҳам табиат каби ўзгариб боровчи даврлардан ташкил топган.

Хар бир секторнинг циклик (ўтиш) даври аввало аҳолининг ўқитилиши ва инвестициялар билан бошланади. Фаолиятининг натижалари камайиши билан тугайди. Давр эгри чизиқлари одатда бошланғич нуктагача пасаймайди.

Иқтисодиёт таркиби такомиллашган сари унинг баъзи бир алоҳида

секторларининг циклик даври тугаб боради.

Қишлоқ хўжалиги асрлар давомида етакчи ўринларни эгаллаб келган. Секин аста қишлоқ хўжалиги ҳам ўз қуввати ва кучини йўқотиб, унинг ўрнига саноатлаштиришнинг бошланиши номли янги давр келди. Натижада хўжаликнинг фаолияти маркази қишлоқ хўжалигидан саноатга кўчди. Шу билан бирга иқтисодиёт таркибида унинг ўрни ўсди. Хизмат кўрсатиш сектори ҳам ўсиб борди, лекин унинг ўсиш сурати ва ривожланиши саноатга қараганда секинроқ эди.

Саноатлашган иқтисодиёт даври унчалик кўп давом этмади. А.Тоффлер фикрича у 300 йил (1650 йилдан бошлаб) давом этди.² Бошқа қарашларга кўра 190 йил (1760 йилдан бошлаб сўнги асрнинг 50 йилларигача), АҚШда бу давр 1860 йилларда бошланиб 90 йил давом этди.

Янги тарихий аҳамиятга эга учинчи ўзгаришлар тўлқини XX асрнинг АҚШда 50-йиллари ўрталарида бошқа ривожланган давлатларда 60-70-йилларда бошланди. Бу жамият ўзгариши даври учун деиндустриализация ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ривожланиш ва иқтисодиётнинг ўсиши хосдир. Бунга кўра хизмат кўрсатиш соҳаси саноатга қараганда тезроқ ривожланади ва шу билан бирга саноат қишлоқ хўжалигига қараганда жадалроқ ривожланади. Хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари янги иқтисодий соҳаси ўз ривожланиш даврининг ўрталарида ҳисобланади ва бир неча 10 йилликлардан кейин яқунланади.

Деиндустриализация иш кучининг иқтисодиётнинг алоҳида секторларида бандлиги кўрсаткичлари ўзгаришида намоён бўлди. Мамлакатларда 1970 йиллардан бошлаб нисбатан бандликнинг пасайиши қишлоқ хўжалигида, саноатда ва қурилишда содир бўлди. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандлик сони ўсиб келди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда умумий ҳисобда саноат ишлаб чиқаришда бандлик шу даврда 28 фоиздан 18 фоизга тушди. Бирлашган Араб

² Алвин(Элвин,Олвин) Тоффлер (3 октябр 1928 йил туғилган) - америкалик социолог, футуролог постиндустриал жамият концепцияси муаллифларидан бири.

Амирликларида бу кўрсаткич 15 фоизга тенг.³

Ҳозирги кунда АҚШ саноатида мамлакат иқтисодиётидаги банд аҳолининг олтидан бир қисмидан камроғи ишламоқда, шу вақтнинг ўзидаёқ хизмат кўрсатиш соҳасида 70 фоиздан ортиғи банд. Европа Иттифоқи мамлакатларида иқтисодий банд аҳолининг бешдан бири саноатда ишлайди. Бирлашган Араб Амирликларида 78 фоиз аҳоли бандлиги хизмат кўрсатиш соҳасида банд.⁴

Қуйдаги жадвалларда Германия ва Япония иқтисодиётида иш билан бандликнинг ўзгариш жараёнини кўришимиз мумкин.

1.1-жадвал

Германия иқтисодиёти секторида иш билан бандлик кўрсаткичини %да ўзгариши

Йиллар	1800	1882	1939	1950	1970	1994	2009
Бирламчи сектор	80	42	25	22	9	3.5	2.8
Иккиламчи сектор	8	36	41	45	49	39.1	33.4
Учламчи сектор	12	22	34	33	42	57.4	63.8

Манба: ereport.ru

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, агар Германияда 1800 йилда жами аҳолининг 80 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлган бўлса, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, фан-техника тараққиётининг чуқурлашиб бориши билан бирламчи секторнинг улуши пасайиб борган ва 2009 йил маълумотларига кўра жами банд аҳолининг атиги 2,8 фоизи бирламчи секторда банд, холос.

Иқтисодиёт таркибида саноат ишлаб чиқаришининг улуши муайян давргача ўсиб борган бўлса, кейинчалик унда пасайиш тенденцияси кузатилади. Хусусан, Германияда 1970 йилга қадар саноат ишлаб чиқаришининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, ундан кейин пасайиб борган ва 2009 йилга келиб 33,4 фоизни ташкил этган. Айни вақтда учламчи сектор улуши муттасил равишда ривожланиб борган.

Агар 1970 йилда иқтисодиёт таркибида учламчи секторнинг улуши 42

³ <http://emirates.alphaline.ru/i>

⁴ <http://emirates.alphaline.ru/i>

фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 63,8 фоизга етган.

1.2-жадвал

Япония иқтисодиёти секторида иш билан бандлик кўрсаткичини %да ўзгариши

Йиллар	1876	1970	1985	2010
Бирламчи сектор	17.8%	8.9%	5.5%	4.6%
Иккиламчи сектор	35.3%	34.8%	31.4%	27.8%
Учламчи сектор	46.9%	56.3%	63.1%	67.7%

Манба: ereport.ru

1.2-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, Японияда ҳам худди шундай тенденция кузатилади.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қанчалик мамлакат ривожланган бўлса, шунчалик саноатда банд аҳоли қисми кам бўлади. АҚШ иқтисодиёти секторидаги кўрсаткичлари ўзгаришидан шуни тахмин қилиш мумкинки, 20 йилдан сўнг саноатда банд аҳоли қисми иш билан банд аҳолининг ўндан бир қисмини ташкил этади.

Деиндустриаллашув саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳажмига салбий таъсир кўрсатмайди. У олдингига нисбатан ўсган. Аммо ЯИМдаги саноат маҳсулотлари қисми камайган. Ундан ташқари қишлоқ хўжалигининг қисми ҳам камайган. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш кўпайган.

1.3-жадвал

Япония ЯИМдаги таркибий ўзгаришлар %да

Йиллар	1880	1840	1985	1970	2000	2006
Бирламчи сектор	64.7	17.1	7.4	3.8	2.2	1.6
Иккиламчи сектор	10.6	40	46.9	41	37.8	25.3
Учламчи сектор	24.7	42.9	45.8	55.2	59.9	73.1

Манба: ereport.ru

1968-1987 йилларда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бирламчи сектор ЯИМ даги қисми 6.3% дан 2.5% га камайган, иккиламчи сектор 42.1% дан 33.9% гача, учламчи сектор эса 51.6% дан 63.3% гача кўпайган. 3-жадвалда Япония иқтисодиёти таркибий ўзгаришлари ҳаракати

хақида маълумот кўрсатилган.

ЯИМ даги хизмат кўрсатиш соҳасини ўсиши фақатгина унинг ҳажмини ошиши эмас, балки унинг нархининг қиммалашиши ҳамдир. Жаҳон Валюта Фонди томонидан ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯИМ даги саноат қисми ўзгармаган нархда ҳисобланганда охириги 30 йил ичида баъзи бир мамлакатлар орасида нисбатан фарқ қилган ҳолда мўтадилдир.

Деиндустриаллашув пасайишнинг кўриниши деб қараш нотўғридир. Бу иқтисодиёт ўсишидаги табиий ҳолатдир. Таркибий ўзгаришларнинг ҳаракати ҳолати деярли бир хилдир. Лекин бу ҳолатнинг сабаблари бир эмас.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўзгаришларни ўрганиш шуни маълум қилдики иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар икки хил сабаби мавжуд – талаб ўзгариши ва меҳнат унумдорлиги.

Талаб ўзгариши иқтисодиёт таркибларида бир хил эмас. У киши бошига даромаднинг ўзгариши билан боғлиқ. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки унинг ўсиши алоҳида таварларга бўлган талаб турлича ўзгаради. Бу шуни англатадики алоҳида секторларда даромаднинг ўсиши ўзгарувчан талабни келтириб чиқаради.

Озиқ-овқатга бўлган талаб уларни физиологик ичтемол қила олиш билан чегараланади. Агротехникадаги ривожланиш туфайли қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотларга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Масалан ҳозирги кунда Германия қишлоқ хўжалигида иқтисодий фаол аҳолининг 2.8 % банд лекин улар 200 йил аввал иқтисодий фаол аҳолининг 80 % яратган маҳсулотдан кўпроқ маҳсулот яратмоқда.⁵

Ривожланган мамлакатларда саноат маҳсулотларига бўлган талаб аҳолининг талабларини қондирилиши билан пасаяди. Бу ҳолатда чегараловчи бўлиб маҳсулотлар еғилишидаги табиий чегаралар ҳам амал қилади. Техникавий тараққиёт меҳнат унумдорлигини самарали ўсишига сабаб

⁵ ru.wikipedia.org/wiki/Экономика_Германии

бўлди. У саноат махсулотларига бўлган талабга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Шу сабабли бандлик сони камаймоқда.

Жамият ривожланишининг маълум бир қисмида саноат махсулотларига бўлган талаб тез ўсади. Бу катта маблағлар талаб этадиган ишлаб чиқаришдаги тадқиқотлар ва изланишларга олиб келади. Тахминларга кўра вақт ўтиши билан талабнинг ўсиши секинлашади. Мехнат унумдорлиги ўсиб бормоқда, лекин бу ўсиш аҳоли учун саноат махсулотлари ишлаб чиқаришга қараганда секинроқ. Талабнинг тез фурсатда ўсиш вақтида бандлик сони ҳам ўсади. Аммо талабнинг пасайиши билан у ҳам пасаяди.

Аҳолининг иккиламчи сектор эҳтиёжлари юқори даражада қондирилган мамлакатларда хизмат кўрсатишга бўлган талаб тез ўсиб боради. Учламчи сектор ҳолатига кўра техникавий ривожланиш қолган икки секторга нисбатан секинроқ ривожланади. Натижада учламчи секторда ўсиш имкониятлари чегараланган ва мехнат унумдорлиги секин суратларда ўсмоқда. Шу сабабли учламчи секторда иш кучига бўлган кўпроқ эҳтиёж мавжуд ва бошқа секторлардан бўшаган иш кучини жалб қилиши мумкин.

Иқтисодиёт таркибидаги секторлардаги ўзгаришларга асосий сабаб секторлар аро мехнат унумдорлигининг турлича ўсишидадир.

Саноатдаги кучли ривожланишлар натижасида қишлоқ хўжалигидаги мехнат унумдорлиги кўрсаткичлари сезиларли ўсиб кетди. Назарий олиб қараганда ер юзи аҳолисининг 0.001 % бутун дунё учун аҳолисини озиқ овқат билан таъминлаши мумкин. Шунини айтиш керакки аср бошларида бунинг учун 50% аҳолии зарур бўлар эди. Замонавий ахборот ривожланиши санотда ўхшаш жараёни келтириб чиқармоқда. Саноатдаги мехнат унумдорлиги худди қишлоқ хўжалигида ўсгани каби ўсиб бормоқда.

Саноатда мехнат унумдорлиги хизмат кўрсатишга қараганда тезроқ ўсмоқда. Жахон Валюта Фонди ўтказган тадқиқотларга кўра 1960-1994 йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва саноатдаги ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши деярли бир хил бўлган. Лекин саноатдаги мехнат унумдорлиги хизмат кўрсатишга қараганда икки баробар

ўсган.

Иқтисодиётдаги саноат ишлаб чиқаришнинг қисмининг камайиб бориши унинг борган сари хизмат кўрсатишга бўлган боғлиқлиги ортиб боради. Бундан келашжақда бу секторда меҳнат унумдорлиги тез ўсади деб тахмин қилиш мумкин.

Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш йўналишлари уч сектор назариясига мос келади. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан таркибий такомиллашув бўйича орқароқда қолган бўлиши мумкин. Шу сабабли баъзи бир даврларда улар ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти таркибидаги бандликнинг ўзгариши 1.4-жадвалда кўрсатилган.

1.4-жадвал

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида иш билан бандлик таркибий тузилиши % да

Йиллар	1975	1980	1998	2004	2008
Бирламчи сектор	4.55	5.5	7.4	6.2	5.7
Иккиламчи сектор	43.54	37.53	34.7	22.8	17.4
Учламчи сектор	51.91	56.97	57.9	71	79

<http://emirates.alphaline.ru/i>

Қишлоқ хўжалиги Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида ноқулай табиий шаройит туфайли етакчи бўлмаган. Бу тараққиёт туфайли бирламчи сектордан иккинчисига ўтиб кетишига олиб келди. Мамлакатда нефт ва газ захиралари топилгандан сўнг иккиламчи сектор тез ривожланди.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти таркибидаги ўзгаришлар ижобий деб айтиш мумкин. Янги соҳалар ташкил топяпти ва ривожланмоқда. Бу ерда иккиламчи сектор бандлиги қисқариб учламчи секторни қамраб оляпти ва бу ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш кўрсаткичларига мос кечмоқда. Ҳамда ЯИМ да ҳам учинчи сектор улуши ортмоқда. Буни 1.5-жадвалда кўришингиз мумкин.

1.5- жадвал

**Бирлашган Араб Амирликлари ЯИМ таркибидаги % кўрсаткич
ўзгаришлар**

Йиллар	1975	1998	2008	2010
Бирламчи сектор	0.7%	3.6%	4%	1.5%
Иккиламчи сектор	77%	56.7%	52%	51.5%
Учламчи сектор	22.3%	39.7%	44%	47%

<http://emirates.alphaline.ru/i>

Тезда учламчи секторнинг ўсиши ва унда бандликнинг ўсиши янги соҳаларни молиявий институтлар, туризм, технопарklar ва бошқаларни ўзлаштирилишига ва ривожлантирилишига олиб келди.

Юқоридаги фикрлардан иқтисодиёт таркибини таомиллаштириш ҳақида қуйдагиларни айтиб ўтиш мумкин.

- Аҳоли ЯИМ таркибидаги бандликнинг ўзгариши ҳамда учламчи секторда унинг кўпайиши бу хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳажми ва таркибий ўзгариши жамият эҳтиёжлари ўсишидан ортда қолиши билан боғлиқ.
- ЯИМ даги бирламчи ва иккиламчи секторларнинг умумий бандлик камайиши бу секторлардаги маҳсулотларнинг умумий ҳажмининг ўсиши билан бирга ёнма-ён амалга ошиши керак. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини кескин ошириш керак. Шунингдек саноатнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, таомиллаштириш, корхоналарни ялпи техникавий қайтажихозлаш зарур.
- Иқтисодиёт ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти ошиб боради. Чунки аҳолини иш билан таъминлашда унинг ўрни ортиб боради. Асосийси хизмат кўрсатиш соҳаси ЯИМ нинг асосий ўсиш манбасига айланади.

Бирлашган Араб Амирликларида ҳам шу сабабли сўнги йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси тез фурсатда ривожланмоқда. Дубай шаҳри савдо ҳамда сайёҳлик марказларидан бирига айланмоқда.

1.2. Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти ва омиллари

Миллий иқтисодиёт ўзаро боғлиқ макроиқтисодий элементлардан ташкил топган мураккаб тизимдир. Бу элементлар орасидаги мавжуд ўзаро мувозанатни иқтисодиёт таркибий тузилиши деб айтилади. Одатда таркиб, ишлаб чиқариш, минтакавий ва бошқа турлари тузилиши ажратиб кўрсатилади.

Миллий иқтисодиёт таркиби доимий бўлмайди, баъзи ишлаб чиқариш таркиблари кучли ривожланиш билан ажралиб турса, бошқалари ўзларининг ўсиш сурати секинлашаётгани кўриниб туради.

Таркибий ўзгаришлар иқтисодиётда ўз ҳолича кечиши, ёки давлат томонидан иқтисодий таркиб такомиллаштириш сийсати орқали тартибга солиниши мумкин. Бу макроиқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмидир. Давлатнинг иқтисодий таркиб такомиллаштириш сиёсати асосий методлари бу давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларидир, буларга давлат инвестициялари, субсидиялар, алохида корхоналар, минтақалар ва алохида гуруҳларга турли хил пасайтирилган солиқ ставкаларидир.

Иқтисодиётда таркиб томиллашуви миллий иқтисодиётда мувозанатни келтириб чиқаради, бу иқтисодиётнинг тетиклашуви, самарали ўсиши ва ривожланишига олиб келади. Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодиёт қайта қурилиши унинг якка бошқарув хўжалик тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш шароитида амалга оширилмоқда.

Бу миллий хўжаликни тубдан ўзгартирилишини англатади. Шунингдек ижтимоий – иқтисодий муносабатларда чуқур қайта қуришни, хўжалик юритишда шакл ва методларини ўзгаришини, хусусий мулк ахамияти, хусусий сектор яратилиши ва иқтисодиётнинг давлат секторини бутунлай ёки қисман хусусийлаштирилишни билдиради.

Таркибий қайта қуришнинг зарурияти миллий хўжалик шаклланишида йўналиш ўзгариши билан тушунтирилади. Миллий иқтисодиётнинг илгариги

таркибий тузилиши иқтисодиётнинг эркинлашуви ва бозор иқтисодиёти юритиш методларини ривожланиш шароитида иқтисодий жихатдан фойдасиз бўлиб қолди. Мажуд таркибий тузилиш барча иқтисодий тизимларда юқори даражада давлат қатнашуви, ишлаб чиқаришнинг ўта монополлашуви, миллий иқтисодиётда бошқа таркибларни ҳисобга олмаган ҳолда казиб чиқаришнинг ривожланиши, бошқа соҳалар сезиларли ортида қолган ҳолда нефт ва газ соҳасига ҳаддан ошиқ аҳамият берилиши билан ажралиб турарди

Бирлашган Араб Аирлигининг иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг ўзига хос жихатлари шуки нефт омилидан олинган даромаддан фойдаланган ҳолда анъанавий иқтисодиётдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи замонавий иқтисодиётни таркиби такомиллашган тизимига ўтишдир.

Таркиб такомиллашуви давлатнинг иқтисодиётга таъсири шакл ва методларини ўзгартириш орқали, бошланишида субсидияларда фаолият кўрсатаётган секторларни секин аста жаҳон бозорларида рақобатбардош саторга айлантириш орқали амалга оширилади.

Таркибнинг такомиллаштиришда кераксиз ва ўзини оқламайдиган корхоналарни тўхтатиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда ички ва ташқи бозорда эҳтиёж бўлган товарлар чиқаришга қайта ташкиллаштириш. Мамлакатнинг ҳақиқий иқтисодий истиқболи бўлган фаолият турларини яратилишида ва ривожланишида шарт-шароит яратиб бериш.

Бирлашган Араб Амирликлари саноати ривожланган мамлакатдир. Мамлакат ЯИМ сининг 50% дан ортиғи бу саторга тегишлидир. Санотнинг ривожланганлига сабаб нефт ва газ захираларининг мавжудлигидадир. Нефт ва нефткимё саотнинг асосий қисми ҳисобланади. Саноат биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва Фан техника истиқболини, табиий бойликлар, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражаси ва унумдорлигини белгилаб беради.

Саноатнинг таркибидаги алоҳида тармоқларнинг юқори суратда ривожланиши унинг ўтмишда ўзига хос шаклланганлиги, таркиблар аро

мутаносибликларга аҳамият бериш зарурияти, фан тараққиёт ривожини ва бошқа сабаблар билан боғлиқдир. Шу билан биргаликда қуйдаги мўтадилликларини кўрсатиб беради: фан ва тараққиётни ривожини таъминлашга қаратилган таркибий ўсиш; саноатнинг барча таркибларида қўлланиладиган истеъмол товарларини ишлаб чиқарилишини сезиларли кенгайтириш.

Иқтисодий чора-тадбирлар ёрдамида яратилган шаройитлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга борган сари кўпроқ бозор механизмлари таъсир кўрсатишига олиб келмоқда. Улар келажакда алоҳида таркиблар ривожланиши истикболини белгилаб беради.

Саноатда ишлаб чиқаришни мутаносиблигини ривожлантиришга қаратилган қуйдаги йўналишлар зарурияти намоён бўлмоқда: тезлигини ошириш, техник даражасини ва рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш таркибини, хом-ашё тежалиши муаммоларига кўпроқ аҳамият бериш, атроф муҳит ҳимоя қилиниши.

Иқтисодиёт таркибларидан бири қурилиш соҳасида таркиб такомиллаштиришнинг асосий йўналиши қурилиш материалларининг турларини кўпайтириш ва сифтини ошириш ҳисобланади.

Саноатнинг цемент ишлаб чиқариш соҳасида таркибни такомиллаштириш асосан энергия тежаш йўли билан қуруқ шаклда ишлаб чиқариладиган хажминини ошириш, бақувват ва узок вақтга чидамли бетон ва темирбетон маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган кўпкомпонентли цемент ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ҳисобланади.

Кимё саноатида истикболли йўналиш этиб ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни турларини кўпайтириш ҳисобланади. Фармсаноатда ҳам асосий йўналиш рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш ва ташкиллаштириш.

Машинасозлик ва темирга ишлов беришда асосий мақсад нефт ва газни қазиб чиқаришда чуқурликни ошириш ва иш олиб боришда хавфсизлик даражасини оширадиган техник мосламалар ишлаб чиқаришга қаратиш.

Қишлоқ хўжалик комплекси бутунлай мураккаб таркибий тузилиши билан ажралиб туради. У кўплаб сохалар ва ишлаб чиқариш сохаларини технологик ва ташкиллаштириш жihatдан иқтисодий боғлиқлигидир.

Унинг таркибига қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш, уни хом ашё сифатида қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Қишлоқ хўжалигига таркиб такомиллаштиришда катта аҳамият берилишига сабаб бу соҳа ривож жамиятнинг асосий эҳтиёжи озиқ овқат мажсулотлари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиётда су таркибнинг ривожланмаганлиги уни ўзини ўзи таъминлай олмай қиммат баҳо валюта ҳисобига импорт қилишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида асосий йўналиш бозор иқтисодиётига мослашган ҳолда, ўз ресурслари, имкониятларидан келиб чиқган ҳолда ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишдир.

Бирлашган Араб Амирликларида ер майдонларининг нисбатан унумдор эмаслигига, ёғимгарчилик камлигига, дарёларнинг йўқлиги қарамай қишлоқ хўжалигидаги инвестициялар, сувни чучуклаштирувчи заводлар курилишига ёрдам берди ва йилдан йилга бу соҳа ривожланишига ва даромад келтиришга олиб келмоқда.

Иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ўзгариб боровчи харидор талабларига мослаштириш зарурияти, миллий махсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш асосий капиталга катта маблағлар ҳамда кўп миқдордаги инвестицияларни киритишни талаб этади.

Бирлашган Араб Амириги бу эҳтиёжларга нефт экспортидан тушган даромадларни сарфлади. Улардан фойдаланган ҳолда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкиллаштирди бу эса инвестициялар киришига сабаб бўлмоқда.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг жаҳон хўжалик тизимида тутган ўрни энг аввало, шу билан белгиланадики, улар халқаро товар алмашинувини фаоллаштиришни, инвестицияларни сафарбар этиш, иқтисодий интеграция

жараёнларини чуқурлаштириш эвазига жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар очик иқтисодиёт тамойилларини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим омили бўлиб, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш миллий иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг самарадорлигини оширишда, ижтимоий масалаларни, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини юмшатиш, замонавий бошқарув ва менежмент тамойилларидан фойдаланиш имконини беради.

Бу ҳудудларни ташкил этишдан кўрилган ижтимоий – иқтисодий манфаат сезиларли бўлиб, бу ҳудудлар кўплаб ишчи ўринларининг яратилишига, халқаро савдо алмашинувининг жонланишига, ташқи савдо кенгайишига, мамлакатлар илмий-техника салоҳиятининг мустаҳкамланишига олиб келди. Мамлакатларда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ҳудудлар нафақат ташқи бозор, балки ички бозорга ҳам хизмат қилади.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши – қайси мамлакатда бўлмасин иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш тизимида, пул муомаласи ва эмиссиясида, товарлар ва хизматлар кўрсатиш турларининг экспорти ва импортида, ташқи тўлов баланси ҳолатига, олтин-валюта захиралари миқдори, хориж капитали кўйилмаларининг миқдори, валюта курсининг ҳаракати ва ташқи савдо ҳамда тўлов баланси механизмларини ташкил этишда ўз таъсир доирасини кўрсатади.

Шу билан биргаликда иқтисодиётдаги самарасиз, истиқболи мавжуд бўлмаган ишлаб чиқариш корхоналарини йўқ қилган ҳолда уларнинг иш ўринларини ўрнини босувчи ислохатларни ижтимоий соҳаларда шаҳарларнинг ва минтақаларнинг рақобатбардошлигини оширишда олиб бориш.

Бирлашган Араб Амирликларида иқтисодиётнинг таркибини

такомиллаштиришда асосий йўналишлардан бири нефт ва газ саноатига бўлган боғлиқни камайтириш.

Иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришда асосий йўналишлардан бири деб мамлакат инфратузилмасини ривожлантиш ҳисобланади. Инфратузилмани ривожлантириш одатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосан ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатланишини давом эттиради. У хом ашёни, ёнилғи, энергия, турли хил материаллар ва тайёр маҳсулотлар ҳаракатланиши ва сақланишини, ахборот узатилиши ва бошқа жараёнларни қамраб олади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасига қуйидагилар киради:

- транспорт (транспорт воситалари), алоқа, сақлаш омборхоналар, техник таъминот;
- муҳандислик қурилмалари ва воситалари ҳамда ирригация тизимлари;
- алоқа ва алоқа тизимлари, электр таъминоти тизимлари, нефт ва газ қувирлари;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси ички ишлаб чиқариш (алоҳида корхоналар, фирма ва уларининг бирлашмалари) ва оддий мақсадни бажаради.

Жаҳон инфратузилмаси ҳам мавжуд бунда мисол қилиб ёнилғи, энергетик йўналтирилган нефт ва газ қувирлари, электро таъминот тизимларини келтириш мумкин.

Ижтимоий инфратузилма аввалам бор йўловчи транспортини шаклидир. Бунда шаҳар, турли хил шаҳар муҳандислик қурилмалари, сув ва энергия билан таъминлаш қувурлари, канализация, телефон тармоқларини ташкил этади.

Инфратузилма ишлаб чиқаришга ёки ижтимоий соҳага қаратилган бўлсин миллий хўжаликнинг унинг ҳар қил даражаларида яхлитлигини таъминлаб беради.

Инфратузилма соҳаси таркибида транспорт алоҳида аҳамиятга эга.

Миллий иқтисодиётларда транспорт қўшимча харажатларини қисқартириш учун ишлаб чиқаришда кўп материал талаб этилишини ривожланиб бораётган технологияларга асосланган ҳолда қисқаритириш, корхоналар ва туманлар транспорт-иқтисодий алоқалари мукаммаллаштириш, ишлаб чиқаришни ҳисоб китобларга асосланган ҳолда тўғри жойлаштириш ва йўналтириш, вилоятлар ва туманлар иқтисодиёти яхлитлигини ошириш орқали амалга ошириш мумкин.

Аммо транспорт омили таъсирини фақатгина транспорт харажатлари қисмига боғлаб бўлмайди. Туманлар ва таркиблараро ишлаб чиқариш алоқаларини амалга оширишда, транспорт туманларнинг ва давлатларнинг яъни жамиятнинг ишлаб чиқариш, бозорлари самарадорлигига тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган жараёнларга махсус яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сўзсиз шаройит яратиб берувчи ва фаол воситачиси ҳисобланади. Меҳнатнинг тақсимотининг ҳудудий ривожланиши, маҳсустуманлар тузилиши туманлараро транспорт йўлларсиз мумкин эмас. Яхлит республика ёки туманнинг яхлит иқтисодиётини ички алоқа ва тўғри келадиган транспорт тизимсиз ривожлантириб бўлмайди.

Шунинг учун транспорт қўшимча харажатларини қисқартириш зарурияти ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишнинг омилларидан биригина бўлиб қолмай бутун ҳудудни ишлаб чиқаришини фаолиятини ташкиллаштиришда қўшимча харажатларни камайтириш глобал масаласи турибди. Бу масалада тўғри ечиб ишлаб чиқаришнинг алоҳида турларини харажатларини минималлаштириш эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва харидорга етиб борадиган умумий харажатлар еғиндисини қисқартириш ҳисобланади.

Инфратузилма таркиби умумий ҳисобда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгилаб беради. Лекин ривожланган мамлакатлар малакаси шуни кўрсатдики у хусусий капитални қизиқтирмайди. Одатда у катта капитални талаб этади, инвестицияларни секин оқлайди, юқори даражада даромадни йўқлиги билан таърифланади.

Иқтисодиёт таркибини барқарор ривожлантириш унинг инфратузилманинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий таркибларини тез ривожлантиришни талаб этади. Чунки аксарият ҳолларда у ортида қолаётгани ва ҳудудий минтақавий номутаносиб ривожлангани билан тушунтирилади. Шу нарса маълумки бу фақатгина давлатнинг юқори даражадаги иштироки билан амалга оширилиши мумкин.

Иқтисодиётнинг таркибий такомиллашуви алоҳида ортида қолган таркиб ва сақланиб қолган монополияларни енгиб ўтиш, алоҳида таркиб ёки ишлаб чиқаришга боғлиқликни, корхоналарнинг техник таъминотининг нотекислигини текисланишини назарда тутди.

Ҳозирда бозор иқтисодиёти ривожланиш жараёнида миллий иқтисодиётни ўсиши ёки пасайиши мутаносиблигини натижаси аҳамиятга эгадир.

Ундан ташқари қуйи шаклда, эски хўжалик усулларда қишлоқ хўжалиги ривожланиб бормоқда, аммо замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни турли хўжалик таркибларида ҳар хил тизимга эгадир. Бу масалан молия-кредит соҳасида ўтиш даврида турли фаолиятга эга бўлиб, иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда намоён этилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан шу маълум бўлдики, жаҳон миқёсида ўзгариб бораётган интеграцион жараёнлар, меҳнат тақсимооти чуқурлашиши, иқтисодий ва ижтимоий жамиятни ривожланиши миллий хўжалик комплексини акс эттиради.

Иқтисодиёт таркиби қуйдаги соҳалардан иборат: моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳалар, молиявий ва номолиявий корпорациялар сектори, давлат муассасалари сектори ва касаначилик, фан сектори ва бошқалар.

Хўжалик ишлаб чиқариш таркибий тузилиши қуйдаги фаолият турлари киради: бозор ва нобозор ишлаб чиқариш, товар ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда хизмат кўрсатиш таркиблари, аралаш тармоқлар таркибларини тузилишини намоён этади (кўрсатади).

Миллий иқтисодиёт таркиби сифатида корхоналар тизимини кўриб чиқиш лозим. Миллий иқтисодий комплекс жараёнига корхоналарнинг барча фаолияти қирралари истиқболли йўналишлари ривожланишига таъсир этади.

Иқтисодиётни такомиллаштиришнинг тенденцияларини микродаражада билиш корхоналарнинг истиқболли сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда зарурдир.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати миллий иқтисодиётдаги содир бўлаётган жараёнларни тартибга солади, бевосита корхоналарнинг фаолиятининг турли қирраларига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги, таркиблардаги, минтақалардаги, капитал қўйинмалари ва инвестиция жараёнларни акс эттиради.

2-БОБ. БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётининг тармок таркиби ва ундаги ўзгаришлар

Замонавий жамиятнинг ривожланиши эволюцион жараёнларнинг доимо тезлашиб бориши билан ажралиб туради. Вақт тушунчаси қайсидир маънода зичлашади, ҳар бир янги босқич борган сари кўпроқ ва кўпроқ ходисаларни қамраб олади. Босқичларнинг алмашилиши борган сари тезроқ суратда амалга ошади. Бу жараёнлар инсониятнинг барча соҳалардаги фаолиятларида, шунингдек иқтисодиёт соҳасида ҳам намоён бўлади.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини ўрганар эканмиз мамлакатнинг замонавий ҳолати кўринадики, унда шундай қисқа бир вақт оралиғида ўтиш иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтишда катта масофани босиб ўтди. Мамлакат фақатгина қазиб чиқарувчи бўлиб қолмай ишлаб чиқарувчига айланди. Шу тўғрисида шу мамлакатнинг ҳар бир фуқоросига таъсир этувчи глобал ўзгаришлар юз берди.

Бирлашган Араб Амирликлари таркибига еттита амирлик киради. Булар: Абу-Даби – мамлакат пойтахти, Дубай, Шарджа, Рас-уль-Хайма, Аджман, Умм-эаъ-Кайвайн, Аль-Фуджайра. Амирлик шимолдан Форс кўрфази, шарқдан Уммон кўрфази билан чегарадош.

Мамлакат ер майдони юздан ортиқ оролларни ҳисобга олганда 83600 квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси 5 млн (2010йил) кишидан иборат⁶.

Арабистон Ярим Ороли шарқида жойлашган Бирлашган Араб Амирлигида нефтдан олдин унчалик кўп бўлмаган аҳоли асосан чорвачилик, пальма етиштириш, шунингдек балиқчилик ва марварид ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди. Марварид экспортидан Дубай амирлиги минтақанинг

⁶ <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/ae.html>


йирик савдо марказига айланган эди. Бироқ сунъий марварид пайдо бўлгандан сўнг маҳаллий савдогарлар олтин ва қимматбаҳо тошлар билан шуғулланишга ўтиб олдилар. 1952 йилда Амирликларнинг бирлашиши, 1958 йилда эса Абу Даби Амирлигида нефтнинг чиқиши мамлакатнинг ривожланишига олиб келди. 1962 йили нефтни тижорат йўлида қазиб чиқариш бошланди. У даврда мамлакат Британия қармоғида бўлганлиги сабабли нефтни қазиб чиқаришни инглиз компаниялари олиб борар эди ва маҳаллий ҳукуматга маълум фоиз ажратар эди. 1966 йилда Дубай Амирлигида ҳам нефт конлари очилди. 1971 йилда Британия қўшнлари мамлакатдан чиқарилиб ягона давлат, Бирлашган Араб Амирликлари тузилди. 1975 йилда эса нефт тармоғида миллийлаштириш сиёсати амалга оширилди.

Бирлашган Араб Амирликлари жаҳондаги энг йирик нефт ва газ қазиб чиқарувчи ва экспорт қилувчилардан биридир. Хозирги кунда аниқланган нефт захиралари 97.8 миллиард баррелни ташкил этади. Кунига Бирлашган Араб Амирликларида 2.8 миллион баррел нефт қазиб олинади ва 2.64 миллиони экспорт қилинади.

Жаҳон иқтисодиёти учун 2009 йил жуда шов-шувли йил бўлди. Бутун жаҳон банкларида инқироз рўй бериб, ишсизлик кескин ўсиб кетди. Бу ҳолатдан тикланиш 2010 йилнинг ўрталарига келиб юз бера бошлади. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматнинг жавобан кучли пул-кредит ва молиявий сиёсати ҳамда 2008 йил охири ва 2009 йил бошида нефт нархининг ўсиши бу тикланишнинг фаолияти марказига яқин бўлди. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматининг зудлик билан 2008 йилнинг охирида жаҳон молиявий инқирози бошланиши билан амалга оширган миллий иқтисодиётни қўллаб қуватлайдиган дастури яхши фойда берган. Абу Даби ҳукумати Дубай ҳукуматига 5 миллиард миқдорида суда берган. Бу маблағ Дубайга ўзининг облигациялардаги қарзларини қисқартиришга ва жаҳондаги инвесторлар орасидаги муаммоларни пасайтиришга сарфланди.

Бирлашган Араб Амирликлари нефтнинг етакчи экспорт қилувчи

сифатида дастлаб нефт нарҳининг 2008 йилнинг июль ойида рекорд даражада 147 АҚШ долларига кўтарилишидан манфатдор эди. Аммо мамлакат охири нефтга бўлган талабнинг кескин пасайишига ва 2008 йил июль ойидаги нарх наво чўққисига қараганда учдан бирдан ҳам пасайиб глобал пасайишга юз тутди. 2008 йилнинг титратувчи якунловчи ойларида қалтислик даражаси ошиб кетиши сабабли хусусий капиталнинг киритишнинг ката оқими йўқ бўлиши ва фонд биржаларида индексларнинг пасайиб кетиши жаҳон иқтисодий тизимларида акс этди. Бирлашган Араб Амирликларининг Жаҳон иқтисодиётига яқин интеграциясининг яна бир далили сифатида мамлакатда ҳамда хусусий секторда қурилишнинг мамлакат иқтисодий ўсиши қурилишида пасайиб кетганини мисол қилиш мумкин. Буларнинг барчаси Бирлашган Араб Амирликлари ўсиши 2009 йилда бошқа йилларга қараганда кескин пасайганини англатарди. Иқтисодиёт вазирлиги 2009 йилнинг октябрь ойида йилнинг ўсиш даражасини 1.3 % миқдорида башорат қилган. Валюта фонди май ойида ЯИМ 0.6 % га пасайишини башорат қилган. Лекин Бирлашган Араб Амирликлари 2010 йилга 2.4 % ўсиш билан кириб келган.



2.1-расм. ЯИМ нинг 2008 йилда секторлар бўйича ўсиши

Бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари жаҳоннинг бой

мамлакатларидан бири ҳисобланади. Ўзининг турмуш даражаси буйича "катта еттилик" мамлакатлари билан тенглаша олади. Бирлашган Араб Амирликларининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 2010 йилда 260 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди, аҳоли жон бошига нисбатан ЯИМ кўрсаткичи 56 минг долларни ташкил этди⁷.

2.1-жадвал

Номинал ЯИМ Иқтисодий кўрсаткичлар миллион дирхамда

Секторлар	2008*	2007*
Номолиявий сектор	851,502	685,232
• Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик	8,852	8,692
• Тоғ кон саноати	345,800	255,130
• Қайта ишлаш саноати	113,245	96,634
• Электр, газ ва сув	13,579	11,566
• Қурилиш	69,218	54,882
• Улгуржи хизматлар ва чакана савдо	148,415	125,022
• Ресторан ва меҳмонхоналар	14,533	12,631
• Транспорт, камуникация ва омборхоналар	46,973	41,219
• Кўчмас мулк ва бизнес	78,497	68,676
• Ижтимоий хизматлар	12,390	10,780
Молиявий сектор	62,648	54,065
Давлат хизмат кўрсатиш сектори	37,857	34,196
• Уй сақлашдаги ички ишлар	4,014	3,674
<i>Банкнинг нархлаш хизмати</i>	21,759	19,141
Умумий	934,262	758,026
Умумий нефт-газдан ташқари	590,130	504,259

Манба: Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари


Бирлашган Араб Амирликлари Савдо баланси 2008 йилда 35.3 % га 2007 йилдаги 47 миллиард АҚШ долларидан 63 миллиард долларга ошган. Бу ўсиш экспорт ва реэкспортнинг ўсиши сабабли вужудга келган. Нефт экспорти қиймати 2008 йилда 39.7 % га ўсиб 86 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди ва бунда асосий сабаб Нефт нархининг ўрта ҳисобда ошиши 27.3 % га 2007 йилда 70 АҚШ долларидан 2008 йили 90 АҚШ долларига. Газ экспорти ҳам 37.1 % га ўсди 11 миллиард АҚШ долларига.

Мамлакат эркин иқтисодий ҳудудларида экспорт ўсиши 16.4 % ни ташкил этди ва 2008 йилда 27 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Шу билан биргаликда реэкспорт 33.4 % ўсиш билан 95 миллиард АҚШ

⁷ <http://siteresources.worldbank.org/DATASTATISTICS/Resources/GDP.pdf>

долларига етди.

Бирлашган Араб Амирликларида суғурта, туризм, саёхат, давлат хизматлари каби хизмат кўрсатиш сохалари 2008 йилда 27.6 % га ўсиб 34 миллиарддан 44 миллиард АҚШ долларига етди.



2.2-расм. Савдо баланснинг 2008 йил давомида ўсиши

Бирлашган Араб Амирликлари миллий валютаси дирхам доллар билан боғланган. Бугунги кунда у 1\$ 3,65 дирхамга тенгдир.

Олдинги йилларга қараганда инфляция даражаси 2010 йилда 1.7 % га тушди. Иқтисодиётдаги дефляцион босим уй-жой ва озиқ-овқат нархининг тушишига олиб келди. Уй-жойга сарфланадиган маблағ истемол харажатларининг 40 % ни ташкил этади.

Чакана нархлар 2009 йилнинг ноябрь ойида олдинги 4 ой давомида пасайиб борди. Миллий статистика бюроси маълумотига қараганда уша вақтдан 2011 йил бошигача истеъмол савати товарлари ва хизматлари нархи 0.2 % га ўсиш юз берди. Бирлашган Араб Амирликларидаги расмий инфляция ўсиши кўрсаткичи Амирликдаги ўртача истеъмол савати ва хизматлари нархининг ўзгаришига қараб белгиланади. Ҳозирги кунда инфляциянинг сабаби Бирлашган Араб Амирлиги валютаси Дирхамнинг АҚШ долларига боғлиқлигидадир.

2.2-жадвал

Бирлашган Араб Амирлиги тўлов баланси (миллион дирхамда)

	2007	2008*
Жорий ҳисоб	72,132	81,817
Тўлов баланси (FOB)	170,852	231,092
Умумий углеводородлар экспорти	271,128	374,915
• Нефт экспорти	224,647	313,735
• Нефт маҳсулотлари экспорт	17,981	22,100
• Газ экспорти	28,500	39,080
Умумий товарлар экспорти	125,768	157,814
• Эркин иқтисодий ҳудудлар экспорти	83,700	97,455
• Бошқа экспортлар 1	42,068	60,359
Ре-экспорт 2	259,124	345,779
Умумий экспорт ва ре-экспорт	656,020	878,508
Умумий импорт (FOB)	-485,169	-647,417
Умумий импорт (CIF)	-551,328	-735,701
• Бошқа импортлар 3	-395,718	-513,980
• Эркин иқтисодий ҳудудлар импорти	-155,610	-221,721
Хизматлар (Net)	-95,359	-124,244
Кредит	29,600	35,240
• Саёҳат	-22,300	-26,301
• Транспортировка	-5,000	-6,598
• Давлат хизматлари	2,300	2,341
Дебит	-124,959	-159,484
• Саёҳат	-41,400	-48,800
• Транспортировка	-15,000	-20,000
• Давлат хизматлари	-2,400	-2,400
• Фрахт ва суғурта	-66,159	-88,284
Сармоядан даромадлар (net)	30,750	13,970
• Банк тизими 4	8,150	4,870
• Хусусий но банклар	-2,800	-2,700
• Жамоат сектори корхоналари	46,300	30,000
• БАА даги Углеводород компаниялари	-20,900	-18,200
Трансферлар (net)	-34,111	-39,000
• Давлат трансферлари	-2,159	-2,300
• Ишчилар трансферлари	-31,952	-36,700
Капитал ва молиявий ҳисоб	105,424	-203,061
Капитал ҳисоби	-	-
Молия ҳисоби	105,424	-203,061
А. Хусусий сектор корхоналари	217,324	-94,861
А.1 Тўғридан тўғри сармоялар	-1,400	7,700
А.1.1 Ташқарига йўналган	-53,500	-58,100
А.1.2 Ичкарига	52,100	50,400
А.2 Портфель сармоялар	5,300	8,100
А.3 Банклар	178,324	-44,861
А.3.1 Қимматли қоғозлар	-1,157	4,731
А.3.2 Бошқа сармоялар	179,481	-49,592
А.4 Хусусий нобанклар	35,100	-50,400
В. Жамоат сектори корхоналари тоза хатолар ва қўлдан кетганлар	-111,900	-108,200
	5,683	-51,241
Тўлиқ зиёдлилик ёки дефицит	183,238	-172,485
Захирадаги ўзгаришлар	-183,238	172,485
Тоза хорижий активлар марказий банк билан бирга	-183,127	172,287
Жаҳон валюта фондидаги захира ҳолати	-111	198

Манба: Марказий банк ҳисоботи

2008 йилда инфляция даражаси 10.8 % ни ташкил этди. Сабаби юқори нефт нархлари иқтисодий ўсиш ва хусусий мулкнинг, хизмат кўрсатишнинг етишмовчилигини келиб чиқарди. Шу билан биргаликда нисбатан кучизланиб бораётган доллар ва нархларнинг глобал ўсиши озиқ-овқат импортини қимматлаштирди.

Молиявий иқтисодий инқирознинг таъсири кучизланиб борди ва харидорларнинг ишончи ошиб борди. Нилсон изланиш компанияси ўтказган изланишлар шуни кўрсатдики 2009 йил охиридаги кайфиятлар кўтарилган ва Бирлашган Араб Амирлиги Глобал олганда оптимистиклик жихатдан 8 – ўринни эгаллади.

Келажакда нархларнинг ошиши ва уларнинг етишмовчилигини олдини олиш мақсадида ҳукумат озиқ-овқат сақловчи стратегик қўшимча сақлаш пунктларни режалаштирмоқда.

Бирлашган Араб Амирлиги марказий банки ҳозирча валюта сиёсатида қайта молиялаштириш фойиз ставкасини кўтаришдан ўзини ушлаб турибди ва унга сабаб қилиб иқтисодий ўсишни тиклаб олинишига ҳарак қилмоқда. Шундай бўлсада доимий долларнинг суғлиги АҚШ Федерал Резерви тизими буни доимий ушлаб турила олмаслигини кўрсатмоқда.

Саноат ва иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш. Иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш Бирлашган Араб Амирлигининг иқтисодиёти келажаги учун шиор бўлиб қолмоқда чунки у ўзининг нефтга бўлган боғлиқлигини камайтирмоқда. 2008 йилда нефт ва газ нархларининг баландлигига қарамасдан ноуглеводородлар сектори улуши ЯИМ нинг 63 % ни ташкил этган. Бирлашган Араб Амирликлари келаси 15 йилларда углеводород сектори улушини бошқа секторларни ўстириб 20 % га камайтирмоқчи.

2009 йилда Абу Даби ўзининг 2030 йилдаги иқтисодий кўринишини тақдим этган унга кўра у жуда кўп иқтисодий хилма- хилликка эришган. Режага кўра Абу Даби ўзининг нефт секторига бўлган боғлиқликни ёқотиб унинг ўрнига илм фанга асосланган саноат таркибий катта марказинига

айланмоқчи.

Ишлаб чиқариш ва саноат мамлакат иқтисодиётини шакллантиришда истиқболидаги асосий мақсадлардан бирига айланмоқда ҳамда бунда алюминийни эритиш, керамика ва фармацевтик каби ривожланган мавжуд секторларга суянмоқда. Бу мақсадга эришишдаги асосий қадам 2009 йилда Абу Даби Технологиялар инвестицион компанияси (ATIC) томонидан қўйилди ва бунда яримўтказгич ишлаб чиқаришни Дипломини сотиб олиш ва дунёдаги катталиги бўйича иккинчи чип ишлаб чиқариш эди. 1.8 миллиард АҚШ долларлик харид тугагач Дипломланган яримўтказгич Globalfoundries билан қўшилади ва ATIC америка AMD чип компанияси билан қўшма корхона бўлади.

Амирлик шунингдек космик ишлаб чиқариш етакчи маркази бўлишни мақсад қилган. Абу Даби ҳукуматининг Mubadala Development Company инвестиция компанияси 2011 йилдан бошлаб космик ишлаб чиқаришга йўналган завод қурилишини режалаштирган. Mubadala шунингдек 8 миллиард долларлик Дженерал Электрик қўшма корхонаси билан ҳам мувофақиятларга эришди.

Иқтисодий фаоллик хусусий сектор таркибида 2008 йилдаги молиявий иқтисодий инқироз таъсири туфайли баъзи бир лойихаларнинг ривожланиши секинлашишига қарамай ўсишининг асосий турткиларидан бўлиб келмоқда. Қўплаб йирик лойихалар 2009 йилда якунланди. Буларга YAS ороли, Абу Дабидаги курорт YAS MARINA у 2009 йил ноябр ойида машҳур Формула 1 ни ўтказди. Йирик инфратизимлар, 7.6 миллиард АҚШ долларлик Дубай Метро, Дунёдаги энг баланд бино Burj al ARAB 2010 йил очилди.

Аммо шуни айтиш керакки молиявий иқтисодий инқироз мамлакат кўчмас мулк бозорида из қолдирди. Нархларнинг деярли 50 % га тушиб кетиши оқибатида бир нечта қурилиш секторидаги лойихалар рад этилган.

Дубай Марказий банк ва Абу Даби амирлиги томонидан берилган ёрдам туфайли ўзини тиклаб олди.

Туризм Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида асосий ўсиш

сектори ҳисобланади. Абу Даби ҳозирги кунда ўзининг юқори сифатли меҳмонхоналари билан ўзини кўрсатмоқда. Бунга Бени Яса орли курорти, Дубай Кэсра Аль Сэрэба, Аль Мехи, Аль Шамс курортлари ҳам ўзига хосдир. 2009 йилда мамлакатга келган жами саёҳлар сони 8.8 млн. кишига етди. Мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 11.3 фоизи, яъни 348 минг киши бевосита туризм соҳасида фаолият кўрсатади.⁸

2010 йилда мамлакат 11.2 миллион туристлар қабул қилган.

Туризм тармоғи Амирликлар иқтисодиётининг асосий бўлимларидан ҳисобланади. Туризмдан келаётган фойда ялпи ички маҳсулотнинг 22 фоизига тўғри келади. Яқин Шарқ мамлакатлари орасида Бирлашган Араб Амирликлари сайёҳлик соҳасининг миллий тараққиётга қўшаётган ҳиссаси жиҳатидан биринчи ўринни эгаллайди.

2.3-жадвал

2010 йил Бирлашган Араб Амирликларида бизнес юритиш ҳолати

	Бизнес юритишнинг 2010 йил ўрни	Бизнес юритишнинг 2009 йил ўрни	Бизнес юритишнинг ўрни ўзгариши
Бизнес юритиш	33	47	+14
Бизнесни бошлаш	44	118	+74
Қурилишга рухсатлар берилиши алоқалари	27	54	+27
Иш кучи ёлланиши	50	45	-5
Мулкни расмийлаштириш	7	7	0
Кредит олиш	71	68	-3
Инвесторлар ҳимояланиши	119	114	-5
Солиқлар тўланиши	4	4	0
Чегара орқали савдо	5	13	+8
Шартномалар қайта ёзилиши	134	135	+1
Бизнесни ёпиш	143	143	0

Жаҳон банкининг умумжаҳон молиявий корпорациялар етказган хабарига кўра 2009 йилда Бизнес юритиш бўйича 14 та ўринга кўтарилган. Ҳукуматнинг бизнес бошлаш учун қўйилган минимал капитал 150000 дирхам

⁸ <https://www.arabianbusiness.com>

талаби бекор қилинди ва у 33 – ўринга кўтарилди.

Мамлакатнинг кўтарилишига сабаб бўлган яна иккита сабаб қурилишга рухсат олиш жараёнининг соддалаштирилиши ва Дубай портларида ўтказувчанликни яхшиланиши эди. Умумжаҳон мамлакатнинг тан олинishiга сабаб кичик ва ўртача корхоналар иш олиб бориши жудаям енгил.

Ички сармоялар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва ривожланишга бағишланган конференцияга кўра 2003 ва 2008 йиллар орасида Бирлашган Араб Амирликлари хорижий тўғридан тўғри сармоялар қабул қилиш бўйича ғарбий Осиёдаги энг яхшиларидан учинчи бўлган Саудия Арабистони ва Туркиядан кейин.

Маълумотларга қараганда 2009 йилда Бирлашган Араб Амирликларида 51.4 миллиард Дирхам кириб келган.

Хукумат хорижий сармоядорларни жалб этиш учун қулай шаройит яратиб бериш учун жуда фаол ҳаракат қилмоқда. Хорижий мулк қоидаларини эркинлашишига олиб келувчи компаниялар тўғрисидаги янги қонун режалаштирмоқда. Бу қонун хорижий фирмаларга саноат каби махсус секторларда Амирликда белгиланаётган фирмалардан шериклик қисмига эга бўлиш имконини беради.

Эндиликда хорижликларда фирмага эгалик қилиш 49 % максимум чегараланган . Истисно ҳолатлар фактгина Эркин иқтисодий ҳудудларда 100 % эгалик қилиш мумкин.

Ташқарига қаратилган сармоялар. Ташқи бозорларга сармоялар киритиш узоқ вақт давомида Бирлашган Араб Амирлигининг стратегик ҳаркатлантирувчи кучга айланган. Бундан асосий мақсад келажакда углеводородлар захираси тугаб битишида хатарсиз келажакни яратишдир.

Молия – Давлатнинг кўмаги. 2008 йилда махсус ҳукумат томонидан амалга оширилган молиявий ёрдам Бирлашган Араб Амирликлари Марказий Банки томонидан 50 миллиард дирхам молия тизимида мустаҳкамлашга ва берилган маҳаллий кредитларни қўллаб қуватлашга, Бирлашган Араб

Амирлиги Молия вазирлиги томонидан 70 миллиард дирхам ликвидликни сақлашга фонд биржаларини қўллаб қуватлашга йўналтирилган.

Давлат томонидан амалга оширилган чора тадбирлар банкларнинг даромадлари тушиб кетсада банкларнинг балансини тулдиришга ва Иқтисодиёт вазирлиги қарашича бу ҳаракатлар кредиторларни қўллаб қуватлаган.

2009 йилда Бирлашган Араб Амирликлари Иқтисодиёт вазири Султон Аль Мансурининг айтишича Биринчи босқичда Банк тизимида ликвидликнинг сингдириш бўлса. Иккинчи босқич банк иши, савдо, иқтисодиётдаги қилинган ишни яхлит баҳолашдир.

Йил ўтган сари банклар кўп қисми хусусий сектордаги тўлов қобиятсизликни маълум қилишди. Бунга сабаб кўчмас мулкдаги нархларнинг беш йил пул қўйиб тўсатдан чиқиб кетаётган хорижий сармоядорлар туфайли тушиб кети эди. Сармоядорларнинг қизиқишлари сўнган сари банклар ҳам кўп лойихаларни музлатиб қўйилишига олиб келди.

Бирлашган Араб Амирликларида Банклар олдида ҳам ссудаларда муаммолар 2009 йилларда вужудга келди. Ката қарз эгалари мамлакатдан қочиб кетиши кўпайиб кетди.

Хусусий акциянерлик капиталлари. Бирлашган Араб Амирликларида 2008 йилда хусусий акциядорлик каомпанияларида ҳам ката ўзгаришлар юз берган. Акциялар чиқарилиши ва олиниси сусайди. Кўпгина йирик акциядорлик компаниялар акциянерлари янги акциялар кўлга киритмай мавжуд портфелларни бошқарувигв кўпроқ ахамият бердилар. Яқин шарқда 2007 йилда хусусий акционерлик капитали фондида умумий миқдорда 3.9 миллиард АҚШ долларлик инвестициялар киритилган бўлса, 2008 йилда фақатгина 500 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган.

Бирлашган Араб Амирликлари яхши ўйланган самарали савдо ва молиявий сиёсати туфайли жахон иқтисодиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Бу очик иқтисодиёт, эркин савдо ва нефт экспортидан тушган фойдани бошқа секторларга инвестиция қилинишидир.

Катта капитал қўйинмалари оқибатида сўнги йилларда ЯИМ таркибида савдо, туризм, қурилиш, қайта ишлаш, транспорт, электроэнергия, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик таркиблари ошиб бормокда.

Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида саноат ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, у Амирликдаги фаолиятнинг асосий қисми ҳисобланади. Саноат, қурилиш, алюмин, металл, енгил ускуналар ишлаб чиқаришни, кимёвий ва пластик буюмлар, текстил ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Бироқ, нефт ва газ тармоғи саноат тармоғидан алоҳида ҳисобланади.

Нефт ва Газ. Бирлашган Араб Амирликлари форс кўрфазидаги қўшнилар орасида энг катта тўртинчи Саудия Арабистони, Эрон, Ироқдан кейинги нефт экспортери ҳисобланади.

Бирлашган Араб Амирликларида аниқланган нефт захираси бўйича олтинчи, газ захираси бўйича еттинчи ўринни эгалайди.



2.3-расм. Жаҳон нефть захиралари (миллиард баррель)

2009 йилда ОПЕК томонидан нефт бозорларини мўтадиллаштириш учун Бирлашган Араб Амирликларида нефт қазиб чиқариш кунига 2.3 миллион баррелга тушиб кетди. Солиштирадиган бўлсак 2008 йилда 2.9

миллион баррел кунига. Газ ишлаб чиқариш кунига стандарт 7 миллиард куб фунт.

Жаҳон энергетика агентлиги башорат қилишича 2030 йилга бориб глобал нефтга бўлган эҳтиёж 2008 йилдаги 85 миллион баррел кунигадан 24 % га ўсади ва 105 миллион баррел кунига ташкил этади.

Бирлашган Араб Амирликлари 2019 йилга бориб нефт казиб чиқаришни 30 % га оширмоқчи ва 3.5 миллион баррел кунига етказмоқчи.

ОПЕК Бирлашган Араб Амирликлари нефт ишлаб чиқариш хажмини 2009 йилда 20 %га қисқартирди.



2.4-расм. Жаҳон газ захиралари (триллион куб фунтда)

Бирлашган Араб Амирликлари ички газ инқироzi юзага келиши ва элекир энергия етказиб берилишида муаммолар юзага келиши мумкин.

Келажакда Бирлашган Араб Амирликлари ўз ички электр энергия таъминотини кўп хиллаштириш режалари мавжуд. У ядро энеогия, куёш энергиясини уз ичига олади ва газ билан боғлиқликни енгиллаштиради. Истиқболдаги газ тараққиёти рўёбга чиқиши учун ахоли ва саноатлашув режалаштирилганидай бўлишини талаб этади.

Бирлашган Араб Амирликларининг исботланган нефт захиралари 97.8

миллиард баррелни, Газнинг аниқланган захиралари 227.1 трилион куб футни ташкил этади. Бу ҳозирги ишлаб чиқариш нормаларида 100 йилдан ортиқ нефт етарлилиги, ва 130 йилдан ортиқ газ етарлилигидир. Шунини айтиш керакки Бирлашган Араб Амирликларида Газ етишмовчилиги газ йўқлигидан эмас, балки газ захирасининг кўпи қиммат ва қийин газиб чиқаришни талаб этади.



2.5-расм. БААда нефть казиб чиқариш ва унинг истеъмоли (минг баррель кунига)

Экологик шарт-шароит бутун жаҳонни глобал исиб кетиш ташвишлантириб келмоқда, шу билан бирга глобал нефт ва газ саноатига умумий углекислий газ миқдорини камайтириш кескин камайтири йўллари топиш, босим ўтказилиши каби муаммолар келиб чиқмоқда.

Бирлашган Араб Амирликлари нефт ва газ саноати бу муаммоларни ечишга киришган ва кўп яхши натижаларга эришмоқда.

Мисол қилиб ADNOC компанияси нефтни тозалаш ва қайта ишлаш жараёнида газни ёқиб юборилишини йўқ қилмоқда. Шу билан биргаликда ҳам атроф муҳит учун зарарли газнинг чиқиши камаймоқда, ҳамда қиммат

баҳо ресурс сақланмоқда.

2006 йилда нефт ва газ тармоғидан тушган даромад 75.8 млрд. АҚШ долларига, яъни ЯИМнинг 40 фоизига тенг бўлди.⁹



2.6-расм. БААда газ казиб олиш ва унинг истеъмоли (минг баррель кунига)

1971 йилда Бирлашган Араб Амирликлари ОПЕКга аъзо бўлган.

ОПЕКнинг 5 та йирик, гигант нефт ишлаб чиқарувчилари Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Кувайт, Ироқ ва Эрон мамлакатлари кунига 16 млрд. баррел атрофидаги нефтни жаҳон бозорига етиб боришини таъминлайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра Бирлашган Араб Амирликларининг нефт захираси 97.8 млрд. баррел бўлиб, 1068 млрд. баррел баҳоланган жами жаҳон нефт захирасининг 10 % унга тўғри келади.

Бирлашган Араб Амирликлари нефт захираларининг кўп қисми Абу Даби Амирлигига тўғри келади. Унинг захираси 92.2 млрд. баррелни ташкил этади. Ундан сўнг Дубай 4 млрд. баррел, Шаржа 1.5 млрд. ва Раъс ал-Хайма

⁹ Federation of UAE Chambers of Commerce & Industry маълумоти

100 млн. баррел.

2.4.–жадвал

**Бирлашган Араб Амирликлари миллий банклари
ва уларнинг жами маблағлари.***

Мавжуд миллий банклар	БАА дирҳами	АҚШ долл.
1. National Bank Of Abu Dhabi	39.046 .114	10.632.033
2. National Bank Of Dubai P.J.S.C	35.164.370	9.575.049
3. Abu Dhabi Commercial Bank	27.683.363	7.538.015
4. Emirates Bank International PJSC	27.215.668	7.410.665
5. Mashreq Bank PSC	23.683.180	6.448.789
6. Dubai Islamic Bank PJSC	19.597.790	5.336.362
7. Union National Bank	14.715.184	4.006.857
8. Abu Dhabi Islamic Bank	7.937.308	2.161.281
9. Commercial Bank Of Dubai PSC	7.869.254	2.142.751
10. Arab Bank for Investment & Foreign Trade	5.798.514	1.578.901
11. First Gulf Bank	4.983.887	1.357.083
12. The National Bank of Ra's al-Khaimah PSC	2.930.383	797.926
13. Commercial Bank International PLC	2.902.931	790.451
14. Investbank	2.753.073	749.645
15. Natonal Bank Of Fujairah PSC	2.685.441	731.230
16. Natonal Bank Of Sharjah	2.399.498	653.370
17. Bank Of Sharjah	2.221.745	604.968
18. United Arab Bank PJSC	2.112.276	575.160
19. Middle East Bank PJSC	3.009.016	547.043
20. Natonal Bank Of Umm al-Qaiwain PSC	1.676.442	456.485

*Манбаа: Emirates Bank Association маълумотлари асосида тайёрланди.

Нефт қазиб чиқариш бўйича Амирликларни кузатадиган бўлсак, Абу Даби нефт захираси 92.2 млрд. баррел деб баҳоланган ва у Бирлашган Араб Амирликлари жами захирасининг 94.3 % ни, жаҳон нефт захирасининг 8.6 % ни беради. Табиий газ захираси эса 6 трлн. куб метр бўлиб, жаҳон табиий газ захирасининг 3.65 % ни ташкил этади.

Рашид, Жабал Али ва Дубай шаҳарлари оралиғида жойлашган 100 та

кемалар тўхташ жойи Бирлашган Араб Амирликларининг савдо алоқаларида муҳим ўрин касб этади.

2010 йилда Бирлашган Араб Амирликлари ташқи савдо айланмаси 350.6 млрд. долларни ташкил этди.¹⁰

2.5-жадвал

Банк кўрсаткичлари (миллиард дирхамда)

2009 йил	янв	фев	Мар	Апр	Май	Июн	Июл	Авг	Сен	Окт	Ноя
банк томонидан ушланган депозитлар сертификатлари	32.7	37.2	39.4	42.3	53.1	58.3	65.5	64.6	75.5	74.6	69.6
Жами банк активлари	1440.0	1462.2	1466.5	1480.3	1498.4	1489.3	1496.3	1499.1	1521.7	1536.4	1551.6
Банк депозитлари	905.7	928.0	956.4	961.6	972.4	961.7	964.1	963.5	977.2	982.9	1002.7
Судалар ва аванслар	995.7	992.0	995.4	997.7	1003.6	1009.0	1007.0	1013.8	1020.7	1020.5	1027.1
Шахсий аванслар	207.2	203.8	202.7	201.7	207.6	205.2	208.8	212.2	212.5	212.1	209.2
Кредит қозғалари	105.9	106.0	107.4	111.0	111.4	105.5	109.1	104.0	106.1	102.6	106.9
Жами хусусий фондлар**	177.0	182.4	188.4	196.9	203.1	212.4	210.0	209.9	212.1	211.7	217.9
NPL учун белгиланган шартлар (миллиард дирхамда)	20.4	20.9	21.8	22.3	22.9	23.9	25.3	26.3	27.8	29.0	32.0
Умумий ҳолати	6.0	6.1	6.4	6.9	7.3	9.6	8.3	8.5	8.9	9.3	9.3
Банклар томонидан жами инвестициялар	118.7	116.0	115.5	114.8	117.3	115.3	117.4	116.0	117.1	119.5	122.6
Капиталнинг етарлилиги кўрсаткичи – банк тизимида	16.2%					17.6%			18.0%		

** Жорий йилни ҳисобга олмаганда

Манба: Бирлашган Араб Амирликлари марказий банки

Бирлашган Араб Амирликларида нефт ва саноат тармоқлари билан бир қаторда банк тизими ҳам ўз ривожига эга. Мамлакатда Ўзбекистондаги сингари Марказий банк фаолият кўрсатади. Марказий банк пул-кредит сиёсатини тартибга солади, Амирлик иқтисодиётини қўллаб – қувватлайди,

¹⁰ <https://www.cia.gov>

дирхамнинг кадрсизланишини олдини олади ва эркин конвертацияни стабиллаштиради. Бундан ташқари Марказий банк нафақат мамлакатдаги банклар учун банкир балки, ҳукумат учун молиявий маслаҳатчи вазифасини бажаради.

2.6-жадвал

Иқтисодий фаол аҳолига банк томонидан кредит тақдим этилиши(миллион дирхамда)

Иқтисодий фаолият	2007	2008
1. Қишлоқ хўжалиги	1,605	2,391
2. Тоғ кон саноати	7,782	11,853
3. Ишлаб чиқариш	32,840	45,668
3.1 Озиқ овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари	3,197	5,170
3.2 Текстил ва тери маҳсулотлари	1,535	955
3.3 Мебел ва бошқа ёғоч маҳсулотлар	837	1,324
3.4 Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари	756	823
3.5 Кимёвий, нефт ва нефт кимё маҳсулотлари	4,301	6,265
3.6 Асосий метал маҳсулотлар(алюминий ҳисоб)	6,267	8,139
3.7 Ишлаб чиқарилган метал маҳсулотлар, станоклар	-	-
3.8 Бошқа ишлаб чиқариш	1,790	3,386
3.9 Бошқа саноат маҳсулотлари	14,157	19,608
4. Электр, Газ ва Сув	12,094	20,250
5. Қурилиш	66,003	119,251
6. Савдо	102,444	124,243
6.1 Улгуржи савдо	69,489	75,510
6.2 Чакана савдо	32,955	48,733
7. Транспорт, сақлаш ва камуникация	21,211	25,039
8. Молиявий институтлар(Банк ҳисоблаганда)	35,637	72,772
9. Давлат	58,402	72,260
10. Бизнес мқсаддаги шахсий судалар	106,449	160,103
11. Бизнес мқсаддаги истемол судалар	41,923	67,039
12. Ва бошқалар 2	140,304	203,516
Жами	626,694	924,383

Манба: Марказий банк, 2009

Амирликлар иқтисодиётида нафақат нефт ва газ ишлаб чиқариш, балки эркин иқтисодий ҳудудлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда Бирлашган Араб Амирликларида 15 та эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд бўлиб, шулардан баъзилари денгиз портлари базасида (Жабал Али, Ажман, Ҳамрия, Фужейра, Раъс ал-Хайма), бошқалари аэропорт базаларида (Шаржа, Дубай, Фужейра) ташкил этилган.

Амирлик иқтисодиётида электроэнергия ҳам катта аҳамиятга эга. Бирлашган Араб Амирликларида электроэнергия ишлаб чиқариш кўрсаткичи

8 минг мегаваттга тенг. Бир қатор янги электро станциялар қурилиши амалга оширилмоқда, улар энергия ишлаб чиқариш қувватини 10 минг мегаваттга етишига олиб келади.

Электр энергия. Йилдан йилга Бирлашган Араб Амирликларида аҳолининг ўсиб бориши, ҳамда йирик шаҳарларнинг кўпайиши, уларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондирилишида чекланган газ ресурсларига бўлган боғлиқликни камайтириш, ўрнини босувчи электр энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бунда Янги кўпгина йирик лойиҳалар амалга оширимоқда. Бу лойиҳаларда энергиясидан фойдаланиш ва атом энергиясидан фойдаланиш ўрин олган.

Шу йилда Корея фирмалари билан 20 миллиард АҚШ доллари қийматидаги шартномалар имзоланган. Бу шартномаларга кўра 2020 йилгача тўртта атом электростанцияси қурилиши режалаштирилган. Бирлашаган Араб Амирликлари араб мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб атом энергиясиндан фойдаланади.

Бирлашган Араб Амирликлари берган статистик маълумотларга кўра иқтисодий пасайиш даврида ҳам электр энергиясига бўлган талаб 10 % га ошган.

2009 йилда Абу Дабининг Масдар шаҳрида биринчи қуёш энергиясидан электр энергия олувчи завод ишга тушган.

Келажакда бунга ўхшаш лойиҳаларни кенгайтириш режалаштирилмоқда, лекин бу соҳада ҳам ўзига хос муаммолари мавжуд. Бу муаммолардан бири Бирлашган Араб Амирликларида чанг ва қумли табиати. 2020 йилга бориб қуёш энергиясидан фойдаланиш умумийдан 7 % ни ташкил этиши режалаштиримоқда.

Қуёш энергияси асосий экологик тоза энергиядир, лекин шу билан биргаликда Бирлашган Араб Амирликлари 2.2 миллиард Евро миқдорида маблғни Шамол парракларидан электр энергиясини олишни йўлга қўйишга сарфламоқчи.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматининг фикрича атом

энергиясидан фойдаланиш энг экологик тоза энергия манбайидир. Келажакда куриладиган атом реакторлари 2020 йилга бориб электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг 25 % ни қондириши керак.

Бирлашган Араб Амирликлари президенти Шейх Хэлифа бин Зэйд Аль Нэхьян 2009 йил 23 декбрда Эмират Ядровий энергия Корпарациясини (Emirates Nuclear Energy Corporation (ENEC)) тузилиши хақида қарор қабул қилди. Бу корпорация Бирлашган Араб Амирликларида ядровий дастурнинг амалга ошишига жавобгарлик қилади. ENEC ядровий қурилишлар ва электр энергиясини мамлакат бўйлаб тақсимланишини назорат қилади.,

Қурилиши режалаштирилган тўрт реакторнинг бириекторнинг биринчиси қуриб битказилиши 2017 йилга мўлжалланган. Режага кўра у 1400 мега ват энергия ишлаб чиқаради. Бу лойихада 2300 та иш кучи зарур бўлади. Шунинг учун ENEC зарурий кадрларни махсус хорижий ўқув юртларига юқори сифатли ядровий мутахасисликка ўқишга юборди.

Бирлашган Араб Амирликлари МАГАТЭ ташкилотига 2008 йилда 10 миллион АҚШ доллари миқдорида хайрия тўловни амалга оширган. МАГАТЭ бу хайрияни ижобий мақсадга йўналганини такидлаб қабул қилган.

Инсон ривожланиш индекси. Хар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ривожланиш индексини эълон қилади. Унда Ялпи Ички Махсулот (ЯИМ), аҳоли ўртача яшаш умри, маълумот(таълим), Даромад - Валюта тўлов қобилятига қараб белгиланади.

1980 йилдан 2007 йилгача Бирлашган Араб Амирликлари инсон ривожланиш индекси йилига ўртача 0.7 % дан 0.9 % гача ўсиб келган ва хозирда 182 мамлакатдан 35-ўринни эгалламаоқда. Бу дегани Бирлашган Араб Амирликларида Инсон ривожланиш индекси юқори даражададир.

Давлат мамлакатнинг барча аҳолисига ижтимоий мўтадиллик яратилишига ва яхши хаёт кечиришига ҳаракат қилмоқда. Нафақалар ва ижтимоий таъминот соҳасида бир қанча махсус қонунчиликлар қабул қилинган. Бирлашган Араб Амирликларида аҳолиси учун тиббиёт бепул. Юқори технологиялар ривожланиши билан тиббиёт соҳаси ҳам ривожланиб

бормоқда. Чақолоқлар ичида ўлим кўрсаткичи Бирлашган Араб Амирликларида мингта туғилишга 12 тани ташкил этади. Ўртача умр кўриш кўрсаткичи эркакларда 73.9 йил, аёлларда 76.5 йилга тенг.¹¹

Бирлашга Миллатлар Ташкилоти хисоботида кўра Бирлашган Араб Амирликлари аҳолиси яшаш даражасига кўра ривожланган давлатдир. Бирлашган Араб Амирликлари жаҳонда тибиёт, таълим, ижтимоий соҳа ривожланганлиги бўйича юқори ўринларни эгаллайди.

2010 йилда Бирлашган Араб Амирликлари умумий миқдори 3.5 миллиард доллар миқдорида хайриялар амалга оширишди. Бу маблағлар Марокаш, Танзания, Бангладеш, Фаластин, Яман, Афғонистон, Судан ва бошқа мамлакатларга ёрдам тариқасида берилган.

Бу ёрдам пуллари асосан табиий офатлар ва қашшоқликка қарши чора тадбирларга сарфланган. Умуман олганда Бирлашган Араб Амирликлари ўтган уч ярим ўн йиллик ичида 70 миллиард доллар миқдорида ссудалар ва грантлар орқали 100 дан ортиқ мамлакатларда лойиҳаларни амалга оширган. Мамлакат шунингдек Жаҳон валюта фонди ва Жаҳон банки орқали 27 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратади.

Бирлашган Араб Амирликларида хусусий сектордаги бандлик умумий бандликнинг 63.3 % ни ташкил этади.

Федирал ҳукуматда 7.9 % , маҳаллий ҳукумат органларида 10.7 %, Бирлашган маҳаллий федирал бўлимларда ва қолганлари дипломатик миссияларда бандликни ташкил этади.


Иқтисодиёт вазирлиги берган маълумотида кўра, Бирлашган Араб Амирликларининг миллий иш кучининг кўпчилиги федирал секторда банд ва умумий маҳаллий иш кучининг 45 % ташкил этади. Тахминан 35 % фуқоролар маҳаллий Амирлик бўлимларида банд.

Ишсизлик кўрсаткичи Бирлашган Араб Амирликларида 2008 йилда тахминан 4 % гача ўсган, 2007 йилдаги 3.45 % дан. 2009 йилда бу кўрсаткич иқтисодий ўсиш суратининг пасайиши туфайли озгина кўтарилган тахминан

¹¹ http://www.uaeinteract.com/docs/Average_life_expectancy_in_UAE_rises_to_75_years/7752.htm

4.25 %. Шаҳар ҳудудларига нисбатан шаҳар ташқарисидаги ишсизлик даражаси кўпроқ.

Бирлашган Араб Амирликларида 2007 йилда иш кучи аҳоли 4.48 миллион киши умумий сонининг 63.7 % ни ташкил этган. 2008 йилда 63.8 % 4.76 миллион кишидан ва 2010 йилда 64.4 % 5.06 миллион киши умумий аҳоли сонидан.



2.7-расм. Иш билан бандлик таркиби

Курилиш сектори 48 % билан энг кўп иш кучи жалб килинган сектор эди. Унда 1.93 миллион ишчи кучи банд. Ундан кейин савдо 19 %, ишлаб чиқариш 11 %.

Хар йили Бирлашган Араб Амирликларида тахминан 800 минг иш жойи яратилади, унинг кўпчилиги хусусий секторда. Аммо Эмиратлик ёлланган ишчиларнинг 10 % хар йили хусусий сектордаги иш ҳақиқамлигидан норозилик, ўқиш ва ривожланиш имконияти етишмаслиги, иш берувчи ва иш ўртасидаги ишонч йўқлиги сабабли ишдан бўшайди. Қуйидаги режаларни амалга оширилиши Бирлашган Араб Амирлигини кириб келган минг йилликда юқори даражада ривожланган саноатлашган

буюк давлатлардан бирига айланишига ёрдам беради.

2.2. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётининг худудий таркиби

Кичик бўлиб кўринсада Бирлашган Араб Амирликлари ўзига хосдир. Амирликларнинг ҳар бири ўз холича ҳаёт кечиради, ҳамда ўзгача бир тузилишга эгадир. Қайсидир маънода Амирликларнинг иқтисодиётдаги ўсиш суратлари ва уларнинг мамлакат тизимидаги ўрни турли хилдир. Шунинг учун Бирлашган Араб Амирликлари ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бирлашган Араб Амирликлари худудий жihatдан 7 та амирликка бўлинади. Бу Абу Даби – пойтахт шаҳар, Дубай, Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвейн, Фуджайра, Рас Ул Хайма. Баъзи бир адабиётларда мамлакатнинг худудий тахлилида 3 қисмга бўлиб тахлил қилинади. Бу Абу Даби, Дубай ва Шимолий Амирликлар (Шарджа, Аджман, Ум Ал Кайвайн, Фуджайра, Рас Ул Хайма).

3.1-жадвал

БААнинг худудий тузилиши

Амирликлар	Майдони, км ²	Аҳолиси, киши
Абу-Даби	67 340	1 463 491
Дубай	3 885	2 262 000
Шарджа	2 590	656 941
Аджман	259	260 492
Ум Ал-Кайвайн	777	59 098
Фуджайра	1 166	118 933
Рас Ул-Хайма	1 683	191 753

Жадвал wikipedia.org сайтидан олинган

Абу Даби – пойтахт шаҳар. Бу Амирлик Амирликлар ичида энг ката ва энг бой Амирлик ҳисобланади. Амирлик мамлакат майдонининг 87 % ни ва нефт захирасининг 95 % ни ташкил этади. Нефт захираси ҳозирги суратда

кзиб чиқариладиган бўлса 150 йилга етади. Табiiй газ захирасига кўра Абу Даби жахонда етакчи ўринда туради. Бу ҳудудда 1.5 миллионга яқин киши яшайди. Амирлик Абу Даби шаҳри, ундан 140 км масофадаги Ал Айн шаҳри ва 245 км узоқликдаги Лива шаҳарларидан иборат.

Абу Даби Амирлиги ҳозирги кундаги Бирлашган Араб Амирликлари етишган натижаларнинг асосчиси ҳисобланади. Амирлик ўз нефтдан тушган ката пул маблағларини бошқа хуч қандай бир соҳа ривожланмаган Амирликларга қаратган. Бу маблағлар эвазига Чўллардан ҳозирги Замонавiiй Дубай шаҳри, ката-катта илмiiй текшириш институтлари ва боғлар вужудга келди. Абу Дабининг нефт долларлари бўлмаганда Бирлашган Араб Амирликлари бундай юқори натижаларга эришмаган бўларди. Абу Даби Жахон иқтисодiiй инқирози вужудга келиб Дубайда кескин иқтисодiiй танг ахвол вужудга келганда ҳам Абу Даби Амирлиги ўрта ҳисобда 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёрдам пулини узатди. Бу пуллар эвазига Амирликда ахвол анча яхши тарафга ўзгарди ва ҳозирга келиб у ўзининг аввалги холини тиклай олди. Шундай экан қайсидир маънода Бирлашган Араб Амирлигининг хомiiйси деб билишимиз мумкин.

Дубай - Туризм ва савдо маркази. Дубай Амирлиги форс кўрфази бўйлаб чўзилган. Амирлик пойтахти Дубай шаҳри. У Хор Дубай номли кўрфаз билан кесишган. Жанубiiй қисми Бар-Дубай номи билан маълум. Бу ерда кўпчилик компанияларнинг марказiiй офислари, банклар, божхона, порт, телевиденя ва почта мавжуд. Энг аҳамиятга касб этадиган ери Дубай савдо маркази, Хайвонот боғи ва денгиз ёқасидаги Ал Жумайра боғидир. Шимолиiiй қисми Дейра деб номланади. Бу бизнес ва туризм марказидир. Бу ерда кўпчилик магазинлар, бозорлар, мактаблар, меҳмонхоналар ва Дубай Жахон Аэропорти жойлашган. Маълумотларга кўра Дубайнинг аҳолиси 2 262 минг кишини ташкил этади.

Бу иккита қисм ўзаро Ал Мактум ва Ал Гархуд кўприклари билан ҳамда Ал Хор кўрфази остидан ўтувчи Ал Шандага туннели боғланган. Дубайдаги Жабал Али ҳудуди бутун мамлакат учун ўзига хос индустриал ва

савдо ҳудуди ҳисобланади. Бу бутун форс кўрфазидаги энг катта эркин иқтисодий ҳудуд ҳисобланади. У Драй Доки, Жабал Али порти ва Дубай алюмин заводидан иборат.

Дубай космополитан шаҳри яқин шарқнинг етакчи бизнес ва сайёҳлик марказидир. У ўзининг меҳмондўстлиги ва иш юритмоқчи бўлган инсонларга чексиз имкониятлар билан машхур. Дубай жаҳон конференциялари, кўргазмалари семинарлар ва симпозиумлар ўтказиш жойи сифатида машхур. Бу ерга бутун дунёдан бизнесменлар ташриф буюришади, чунки Дубайда барча саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларни камраб олувчи йўлга қўйилган алоқалар ривожланган.

Ҳозирги вақтда айтиб ўтилган эркин иқтисодий ҳудудлар ичида энг йирик ва ривожлангани 1985 йилда Дубай амирлиги ҳукумати қарори билан таъсис этилган, Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай минтақасида жойлашган Жабал Али эркин иқтисодий ҳудудидир {Jabal Ali Free Zone (JAFZ)}.

Дубай шаҳри қадимдан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо йўлида жойлашган. Ўзининг қулай жойлашганлиги боис бугунги кунда Шарқдаги йирик савдо марказига айланди.

Кейинги йилларда Дубайда "Жабал Али" эркин иқтисодий ҳудудининг ташкил этилиши унинг муваффақиятли белгисига айланди.

"Жабал Али" эркин иқтисодий ҳудуди Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай Амирлигида жойлашган бўлиб, дунёнинг энг яхши порти ўнлигига киради. Бу Яқин Шарқдаги энг яхши порт бўлиши билан бирга, бу ерда инфраструктура ривожланган ва Яқин Шарқда (ёки Яқин Шарқ билан) солиқсиз тартибда бизнес олиб бориш учун қулай шароитлар таклиф этилади.

Ҳудуд дунёнинг 1.5 млрд. аҳо依лик истеъмол бозорига хизмат кўрсатувчи қулай омборли ва дистрибьютор қирғоқдир.

Дубайнинг барқарор қонунчилиги юқори даражада ривожланган коммуникация ва транспорт тизими, умуман ишбилармон муҳит шу

даражада-ки, бугунги кунга келиб "Жабал Али" эркин иктисодий ҳудудида 97 мамлакатнинг 2300 дан ортиқ компания мавжуд. Шулардан 35 % – форс кўрфазининг ҳамкорлик кенгаши давлатларидан, 27 % – Яқин Шарқдан, 28 % – Европа, Осиё мамлактлари, тинч океани ҳавзаларидан ва қолгани АҚШдан. Буларнинг ичида дунёга машҳур бўлган ишлаб чиқарувчилар ва мулкдорларнинг номлари қуйида зикр этилган: Acer, Black Decker, Colgate Palmolive, Compag, Daewoo, GAP, HJ Heinz, Honda, Unilever, Johnson & Johnson, Westle, Nissan, Nivea, Philips, Toshiba, Mitsubishi, Caterpillar Logistics, Goodyear, Hitachi, 3M, Basf, ABB, Matsushita Electric, Fedex, Bose Export, BP, Carrier Casio, TATA, Citizen, L'oreal ва кўпгина бошқа компаниялар.

Дубай Технопарки. Дубай Технопарки қурилишининг биринчи қисми 2003 йилнинг октябр ойида тугатилган. Технопарк хорижий инвестицияларни тўғридан – тўғри нефт ва газ тадқиқотларига, сувни чучуклаштириш ва атроф муҳитни ҳимоялашга жалб этишни режалаштирган. Технопаркларнинг бир қисми бўлган Шайх Зайд шоссеси (қаттиқ қопламали йўл) 2005 йилда битган.

Дубай автомобиллар ва автомаркет ҳудудлари. Дубай амирлигининг Раъс ал-Хор минтақасида жойлашган бу ҳудуд автомобилларни реэкспорт қилиш мақсадида таъсис этилган. Дубай автомобил зонаси 1 млн. кв м майдонни ўз ичига олади. Шу билан бирга, минтақа ичидаги барча аэропорт ва денгиз портларига киришга қулайлик яратади.

Бу ҳудуддаги 100 % хориж капитали билан ишлаётган компаниялар мулкка ўзлари эгалик қиладилар, импорт божлари ва бошқа эркин иктисодий ҳудуддан тушадиган фойдалардан озод қилинадилар.¹²

Шарджа. У Дубай Амирлигидан кўп қаторли замонавий магистралдан 10 минутлик йўл узоқликда жойлашган ва уларни фақатгина табиий чегара Ал Хан кўрфази ажратиб туради.

Сўнги 20 йил ичида шаҳар хажми четидаги қишлоқларни қамраб олган холда катталашди. Хозирги кунда унинг ҳудуди 2.6 минг квадрат километрни

¹² UAE yearbook 2004 o.p. 102.

ташкил этади. Шарджанинг ахоли сони хозирда 657 минг кишидан иборат.

Бу минтақада табиий газ захирасининг топилиши тубдан ўзгаришларга олиб келди. Шаржанинг Шаржа Ситидаги Халид порти ва шарқий қирғоғидаги Кор Фахон портлари кемаларга хизмат кўрсатувчи 17 та гаванларни ўзида мужассамлаштирган. 1980 йилнинг бошларида Халид портининг чуқурлигини ошириш, кемалар кириб чиқиши учун кенгайтириш лойиҳаси тузилган эди ва бугунги кунда ҳар қандай кемаларга барча турдаги хизматларни кўрсата оладиган портлардан бирига айланган.

Маҳаллий Холид портида юк айланмасининг ривожланиши туфайли савдо соҳасидаги аҳамиятли иштироки, замонавий жаҳон аэропортининг қурилиши шундоқ ҳам кам бўлмаган сайёҳлар оқимини кучайтирди.

Бу шаҳарни араб дунёсининг маданият пойтахти деб аташади. Бу «Музей шаҳар» : Миллий мерос музейи, Санъат, Археология ва Илм Фан музейи. Қочонлардир 1953 йилда Бирлашган Араб Амирликларидаги биринчи умумий ўрта мактаб фаолиятини бошлаган. Шарждада Шох Файсалнинг 3000 киши сифимиға эға катта масжиди жойлашаган.

Аджман - Амирликлар ичида энг кичигидир, Дубай аэропортидан 30 минутлик йўл узоқлиғида жойлашган. Аҳолиси 260 минг киши. Бу ерда нефт захиралари бўлмасада у ўз йўлини топиб машхур бўлган. Аджман Амирлиги мамлакатнинг бошқа Амирликлари каби форс кўрфази четига қурилган. Аджман – кемасозлиги бутун мамлакатга «Доу» номли битта мачтали араб кемалари ясалиши билан танилган. Бу енгил лекин жуда бақувват кемалар Хиндистондан олиб келинадиган қовоқ дарахтидан қадимий асрлар давомида мукаммаллашиб келган асбоб ускуналар ёрдамида ўзига хос услубда тайёрланган. 90 йиллардан бошлаб Аджманда чиқарила бошланган моторли қайиқлар машхур бўлди. Кемасозлик шунчали машхурки миждозлар бошқа араб давлатларидан буюртма беришга келишади. Бу қайиқлар балиқ овига, денгиз саёхатиға керак. Доу кемаларида Бирлашган Араб Амирликларига келадиган сайёҳлар саёхат қилишни жуда ёқтиришади.

Ажман эркин иқтисодий ҳудуди. 2003 йил ҳисоботларига кўра Ажман

эркин иқтисодий ҳудуди ҳукумати томонидан 730 дан ортиқ компания рўйхатга олинган.¹³ Бу эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш натижасида Ажманда саноат барқарор ривожланди. Ажман эркин иқтисодий ҳудуди Араб кўрфазига кириш яқинида қулай жойлашган бўлиб, у Шарқ ва Ғарб бозорларига хизмат қилиб келмоқда.

Ум Ал Кайвайн – майдони 777 квадрат километрни ташкил этади ва ярим оролда Аджман ва Рас Ал Хайма Амирликлари орасида жойлашади. Аҳолиси 59 минг кишини ташкил этади. Аҳолининг анъанавий меҳнат фаолияти балиқчилик ва хурма меваларини етиштириш ҳисобланади. Ум Ал Кайвайндан 50 километр узоқликда Фаладж Ал Мулла Амирликнинг қишлоқ-хўжалиги тумани жойлашган. Шаҳардан 1 километрда жойлашган Сенейя ороли табиат қўриқхонаси ҳисобланади, у ерда йирик қушлар тури ва Ал Карам дарахти мавжуд.

Фуджайра – Амирликлар ичида энг ёши. Илгари у Шарджданинг бир қисми бўлган ва 1953 йилда мустақил бўлган. Амирликнинг аҳолиси 119 минг кишини ташкил этади.

Фуджайранинг жойлашуви бошқа Амирликлардан фарқ қилади. Барча Амирликлар Форс кўрфази соҳилида жойлашган бўлса, у Хинд океани соҳилида жойлашган.

Фужайра порти амирликнинг шарқий қирғоғида жойлашган ва у йилига 6000 кемани қабул қилиш қобилиятига эга. Кемаларнинг 80 фоизи портда ёқилғи олиш учун тўхтади. 2002 йилда Бирлашган Араб Амирликлари ташқи савдосининг 45 фоизи Фужайра орқали амалга оширилган ва 2.2 млрд. дирҳамдан (8.1 млрд. \$) 2003 йилда 3.3 млрд. дирҳамга (12.1 млрд. \$) ўсди.¹⁴

Фужайра эркин иқтисодий ҳудуди. Фужайра эркин иқтисодий ҳудуди Фужайра порти билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, ундаги компаниялар бир ҳафта ичида осонлик билан Араб кўрфазидаги, Қизил денгиздаги, Эрон, Ҳиндистон ва Покистондаги барча портларга чиқиш имкониятига эгадирлар.

Ҳозирда Фужайра эркин иқтисодий ҳудудида 22 мамлакатдан 220 дан

¹³ UAE yearbook 2004.

¹⁴ Fujairah Trade center маълумоти

ортиқ компания ўз фаолиятини бошлаган, шу билан бирга 572 млн. дирҳамдан ортиқ инвестиция жалб қилинди ва 3020 дан ошиқ иш ўринлари барпо этилди.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, Фужайра порти нефт маҳсулотлари экспорти ҳажми бўйича дунёда Роттердам ва Сингапур портларидан сўнг учинчи ўринда туради.¹⁵

Амирликнинг асосий ажралиб турадиган ери унинг ажойиб табиатидир. Бу чиройли Ходжар тоғи, тоза денгиз ва ҳеч қайси Амирликда йўқ кўм кўк табиат. Фуджайра умумжаҳон денгиз клуби очилганидан сўнг бу ер катерлар пойгаси каби сув спорт мусобақалари ўтказиш ерига айланиб қолган. Амирлик портдан кўплаб юк ва йўловчи кемалари ўтади. Фуджайрада сайёҳлар бора оладиган учта кўриқхона мавжуд. Булар Ал-Вурра шаршараси, Айн Ал Мадҳаб боғи ва Айн Ал Гамур иссиқ сув булоғи.

Рас Ул Хайма Амирлиги Араб дунёсининг энг чекка қисмида жойлашган. Уммон султонлиги билан жанубий ва шимолий шарқда чегарадош. Бир нечта муҳим ороллар Амирликнинг бир қисм ҳисобланади. Улардан машҳурлари Биггер Тунуб ва Смоллер Тунуб. Амирлик маркази Рас Ул Хайма шаҳри Хор Рас Ул Хайма номи кўрфаз билан икки қисмга бўлинади.

Амирлик аҳолиси 192 минг кишини ташкил этади. Рас Ул Хайма иқтисодиёти Бирлашган Араб Амирликлари тузилганидан бери катта маблағ сарфланаётган балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги каби анъанавий соҳаларга асосланган. Асосий қишлоқ-хўжалиги майдонлари Дигдагга туманида жойлашган. Бу ерда 1955 йилдан бери қишлоқ-хўжалиги илмий текшириш маркази фаолият кўрсатади. Голландиядан келтирилган 600 та сигир жойлашган сут фермаси Рас Ул Хаймани Бирлашган Араб Амирликларидаги асосий қишлоқ-хўжалиги марказига айлантирган. Ҳозирги кунда Рас Ул Хайма қишлоқ-хўжалиги сут , гўшт, товуқ, тухум, мевалар ва сабзавотлар етиштиради. Бирлашган Араб Амирликлари қишлоқ хўжалиги вазирлиги Рас

¹⁵ UAE yearbook 2004.

Ул Хаймада хурмо етиштириш бўйича илмий текшириш марказини назорат қилади. Бу Амирликда 45 дан ортиқ турдаги палма дархтлари ўстирилади.

Рас Ул Хайманинг яна бир аҳамиятли саноат тармоғи цемент ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Маҳаллий тоғлардан олинадиган тошлардан керамик плиталар каби турли хилдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи ҳам мавжуд.

1980 йилларда Рас Ул Хаймада Салих шелфсимон нефт майдонлари топлган. Кичик ҳажмга қарамасдан аҳамиятли даромад манбайи ҳисобланади. Америкалик инвестор билан шартнома тузилгандан сўнг соҳил ва шельфда нефт ва газ қидирув ишлари давом этмоқда.

Рас Ул Хайманинг портини Сакр, арабчасига Мина Сакр деб номлашади. У сўнги замон талабларига жавоб берувчи жихозлар билан жихожланган ва йилига 1500 дан ортиқ кемаларга хизмат кўрсатади. Порт 3 та 1800 метли кемалар тўхташ ери 9 та савдо кемаси ва 18 та майда кемалар қбул қила олади.

Замонавий Рас Ул Хайма аэропорти Дигдага қишлоқ-хўжалиги ерига яқинда жойлашган. У биринчи бўлиб 1979 йили очилган. Бугунги кунда унинг асосий терминали транзит йўловчиларга мукамал хизмат кўрсата олади. Ой давомида Рас Ул Хайма аэропорти 700 дан ортиқ рейсларини 15 минлаб пасажири ва 2 млн тонна юки билан хизмат кўрсата олади. Ҳозирда аэропорт янада кенгайтирилмоқда.

Раъс ал-Хайма эркин иқтисодий ҳудуди. Раъс ал-Хайма эркин иқтисодий ҳудуди 2000 йил 1 майда очилган бўлиб, бу эркин савдо ҳудуд мижозларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш ва Бирлашган Араб Амирликларида эркин рақобат муҳитини яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

2002 йил сўнгига кўра инвесторлар томонидан тахминан 100га яқин лойиҳага 120 млн. дирҳам капитал ажратилган. Бу лойиҳалар кемасозлик компанияларини ҳам ўз ичига олади. 2003 йил сўнгига кўра эса эркин

иқтисодий ҳудуддаги 90 га яқин компанияларнинг Ялпи Бизнес ҳажми 141 млн. дирҳамни ташкил этган.

Шу кунларда Рас Ул Хайма Ал Холайлах оролида янги эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш режаларини амалга оширмоқда.

Сўнги 40 йил ичида Амирлик таълим соҳасида ката ютуқларга эришди. Соводсизлик кўрсаткичи 7 % гача камайтирилди. Бошланғич, ўрта ва олий таълим Бирлашган Араб Амирликлари барча аҳолиси учун бепел.

Матолар, кийим кечаклар ишлаб чиқариш. 80 йиллар ўрталарида АҚШ ва Европага кийим кечак ва матолар экспорти учун квоталар берилган. Бу ушбу секторни жадал ривожланишига туртки бўлди. Фабрикалар худди ёмғирдан кейинги қўзқоринлар каби кўпайиб борди. Бир неча йилда уларнинг сони 150 тадан ошиб кетди. Аммо 90 йилларга келиб квоталар олиб ташлангандан кейин уларнинг тез ривожланиши тўхтади. Уларнинг йириклари Шарджа, Аджман ва Жабал Алида жойлашган. Корхоналарнинг 4 таси капитали дирҳамдан ошиқ, қолганлари капитали 500 минг дирҳамгача бўлган ўртача ва кичик фабрикаларни ташкил этади.

Целлюлоза-қоғоз ва полиграфия саноати. Бирлашган Араб Амирликларидаги нашриёт уйлари ва типографияларнинг (2005 йил маълумотларига кўра уларнинг сони 65та бўлган) ярми Дубайда миллий бозорнинг бостма эълон ва реклама махсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирган ҳолда фаолият кўрсатади. Қоғоз махсулоти ва буюмлари ишлаб чиқариш билан 2005 йилда 60 та фабрика шуғулланган. Уларнинг баъзи бирлари қоғозни макулатурани қайта ишлаш орқали ишлаб чиқаради. Жабал Али Эркин иқтисодий ҳудудида дарахт тахтасидан юпқа папирус, туалет қоғози, гигиеник салфеткалар ва сочиқлар ишлаб чиқарилади.

Метал махсулотлар, машинасозлик ва жихозлар. 2005 йилларда мамлакатда алюмин ойналар, метал мебеллар, ошхона жихозлари ва идиш товоқлар ишлаб чиқарувчи 320 дан ортиқ фабрикалар фаолият кўрсатган. 48 та фабрика кондиционерлар ва электр тақсимловчи шитлар ремонти ва ишлаб чиқарилиши билан шуғулланадилар. Буюк Британиялик ишлаб чиқарувчилар

техник кўмаги ёрдамида, Дубай амирлиги ҳукумати ва Абу Дабилик акционерлар пул воситалари ёрдамида кабел завод қурилган. Бирлашган Араб Амирликларда кўплаб механик устaxonалар ва цехлар фаолият кўрсатади. Дунёдаги энг катта куруқ доқлардан бири Дубайда жойлашган ва у 1 млн тоннагача сув кетадиган суппер танкерларни қабул қилиши мумкин.

Металлургия. Алюминий Бирлашган Араб Амирликларида муҳимлиги бўйича иккинчи (нефтдан кейинги) экспорт қилинадиган маҳсулот. Бутун дунёда DUBAL (Дубай Алюмин компанияси) савдо маркази машҳур ҳисобланади. Биринчи маҳсулотни комбинат 1979 йили тақдим этган. Уша вақтларда эритиш учун нефтнинг йўлдош газидан кенг кўламда фойдаланилар эди. Кейинчалик уни электр сиқиб чиқарди.

DUBAL энг етакчи алюмин эритиш методларини киритиш, тажриба яратиш ва маҳаллий юқори сифтли мутахасислар тайёрлаш палиғони бўлиб ҳисобланади. Корхона учун хом ашё Жабал Али порти орқали импорт қилинади. У Алюминий куймалари экспорти учун ҳам фойдаланилади. Ундаги Al моддаси ҳажми 99,86% ни ташкил этади. Дунёдаги ишлаб чиқарувчиларнинг жуда оз қисми бундай метал тозалик кўрсаткичи билан фахрлана оладилар.

1990 йилда компания 170 минг тоннани қайта ишлаган, 1994 йили 245 минг тоннани, 2001 йили кенгайтириш ва реконструкциядан кейин 1.5 миллион тонна кўрсаткичи билан дунёдаги энг йирик Алюминий ишлаб чиқарувчилардан бирига айланган. Деярли қайта ишланган металнинг ҳаммаси Яконияга экспорт қилинади.

Иккинчи ўринда яқида Дубайникидан кейин Абу Дабида қўшимча Электростанция ва Сувни чучуклаштириш қурилмасидан иборат комплекс қурилган.

Таркибда етакчи бўлиб, 1971 йили ташкил этилган Абу Даби миллий нефть компанияси (ADNOC) ҳисобланади. Сўнги йилларда янги захиралар изланишларига, топилганларини ишлаб чиқаришга, нефт ва газ маркетингига катта аҳамият берилмоқда. Иккинчи ўринга секин аста нефтни қайта ишлаш,

таксимлаш, нефт махсулотлари ва суюлтирилган газ маркетинги ўтиб бормоқда. ADNOC Умм Ал Нар ва Рувайс шаҳарларида жойлашган иккита нефтни қайта ишлаш заводларига, Хабшандаги газни қайта ишлаш заводида, газ қувурларидаги газни таксимлаш станциялар тизимида, Умм Ал Нардаги Хлор ишлаб чиқариш заводида эгалик қилади.

ADNOC компания гуруҳлари нефт ва газ индустриясининг барча секторларида фаолият кўрсатади. Буларга қазиб олиш, бурғалаш курукликда ва денгизда, кўрфаздаги техник таъминот ишлари, танкерлар орқали транспартировка, нефт ва нефт махсулотларини таксимлаш ва ўғитлар ишлаб чиқариш ҳам киради.

Abu Dhabi Company for Onshore Oil Operations (ADCO) – Форс кўрфазининг қирғоқларида иш олиб боувчи шимолий қисмидаги энг йирик Абу Даби нефт қазиб чиқарувчи компания. Унинг фаолиятига Абу Даби амирлиги ва сохилдаги – қидирув, бурғалаш, ишлаб чиқариш ва экспорт операциялари киради.

Abu Dhabi Marine Operating Company (ADMA-OPCO) – Абу Даби амирлиги шельфидаги, Умм Шайф ва Закум конларида нефт ва газ қидирув, тадқиқот, қазиб олиш ишлари билан шуғилланади. Олинган нефт ва газнинг бутун қисми Дас оролига транспартировка қилинади. У ерда компаниянинг газ ва нефти сақланади.

Zakum Development Company - ZADCO), 1977 йили ташкил этилган. Дунёдаги энг йирик конлардан бири Юқори Закум, Умм Ал Далх ва Сатах конлари билан шуғулланади. Қазиб олиш ADNOC ва Japan Oil Development Company (JODCO) компаниялари биргаликда олиб борилади.

1966 йили 6 июнда Дубай Амирликларида Фатех номли ерда биринчи йирик нефт кони топилган ва деярли икки ярим ойдан сўнг экспорт қилиниши йўлга қўйилган. Фатех, Рашид ва Фалехдаги нефт қазиб олиш билан Dubai Petroleum Company (DPC) шуғулланади. Кунлик хажм 170.000 баррел суткасига.

APCO International Oil & Gas Company (ARCO) компанияси 1982 йилдан бери Мағхам газ ва газкондитсат конида фаолият кўрсатади. Кунлик ишлаб чиқариш – 6000 баррел кандитсат.

Шаржада нефт казиб олиш билан BP Amoco Sharjah Oil Company шуғулланади. Кунлик ишлаб чиқариш 45.000 баррел нефт ва 700 куб фут газ. Асосий конлар Саджа, Мовейейд, Кафаиф ва Мубарак шельфи

Нефтни қайта ишловчи заводлар. Биринчи нефтни қайта ишловчи қуввати 15.000 баррел кунига бўлган завод 1976 йили Абу Даби Амирликларидаги Умм ал Нар оролида очилган. 1983 йили бу завод 75.000 баррел кунига қайта ишлаган ва лигроин, бензин, керосин, дизель ёқилғи ва мазут ишлаб чиқарган. Абу Даби Амирликларида Руваисда 1981 йили йирик қуввати 120.000 баррел кунига қайта ишлайдиган завод очилган. 2005 йилга келиб ишлаб чиқариш қуввати 50% га ошган. Умм ал Нардаги каби маҳсулотлар ва қўшимча кемалар учун дизил ёқилғи ва олтингутурт ишлаб чиқаради. Суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади келгусида GASCO компаниясида қайта ишлаш учун.

Мутахасислар аниқлашича газнинг жахон захираси 150 трилион куба метрни ташкил этади. Ушбу захиранинг 4 % (6 трлн. куб.м) Бирлашган Араб Амирликлари майдонига: 92 % абу-даби амирликларига, 5 % Шарджа ва 2 % Дубайга тўғри келади. Хозирги кунда казиб олинаётган газнинг 55 % қисми мамлакат эҳтиёжи учун фойдаланилади. Қолган қисми суюлтирилган ҳолатда экспорт қилинади. ADNOC компанияси Abu-Dhabi Gas Liquefaction Co (ADGAS – Абу даби газни суюлтурувчи компанияси) ва Abu-Dhabi Gas Industries (GASCO – Абу даби газ саноати компанияси) компаниялари билан биргаликда бирқанча йирик газ саноатига боғлиқ лойиҳаларни амлага оширмоқдалар.

GASCO – дунёдаги энг йирик газни қайта ишловчи компаниялардан бири. У 1981 йилда ташкил топган ва уша вақтдан ҳозиргача табиий ва йўлдош газни қайта ишлаш Билан шуғилланади. Рувас ва Абу Даби газ конларидан олинадиган газ электростанциялар ва нефт кимё саноати эҳтиёжи

учун етказиб берилади. Аммо шундай бўлсада газнинг ката қисми экспорт қилинади.

Dubai Gas Company (DUGAS) Жабал Али эркин иқтисодий ҳудудида 1980 йилда ташкил этилган. Нефтнинг йўлдош газини, бутан ва пропанни экспорт учун, газ конденсати еғиш, электр энергия ишлаб чиқаришга, сувни чучуклаштиришга ва алюмин эритиш учун метан ва этанни қайта ишлаш билан шуғилланади.

Захиралар чекланган ва келгусида 50-100 йилдан кейин юзага келиши мумкин бўлган муаммо бошқа мамлакатларда каби бу ресурсларнинг, яъни нефт ва газнинг тугашидир. Араблар бу муаммони ечишга ўз вақтида кириришишди ва нефт игнасида тушиб иқтисодиётнинг бошқа сохаларига пул киритишни бошлади.

Нефтнинг ишлаб чиқарилиши иқтисодиётнинг яхлит ривожланишига туртки бўлди ва биргаликда туризм, йўлларнинг инфратузилмаси, дениз портлари, аэропортлар, қувирлар, савдо марказлари, баланд бинолар, мактаблар, шифохоналар ва бошқалар ривожланди.

Унумдор ерларнинг чегаралангани ва сувнинг етишмовчилигида қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши жуда қалтис эди. Кўпчиликнинг фикрича нефт ва газдан тушадиган валютанинг бир қисми озиқ-овқатга сарфланиши тўғрироқ эди. Шунга қарамасдан ҳукуматнинг таваккалчилиги ва узоқни кўра билиши ўзини оқлади. Бозор маҳаллий экин майдонларида етиштирилган сабзавотлар ва хўл мевалар билан тўла, консервалаш саноати хом-ашё билан таъминланган, етиштирилган маҳсулот бир қисми қўшни мамлакатлар ва Европага экспорт қилинади. Катта нефт захиралари туфайли Бирлашган Араб Амирликлари кўрфаз соҳилидаги чўлдан гуллаб яшнаётган мамлакатга айланди. Абу Дабидан 170 км узоқликда жойлашган Сир Бани Яс ороли Амирлик президенти Шейх Заид Аль Нахайянга тегишли. У чўл оролда Боғ шаҳарни яратган. Бу ерда зич қилиб 3 миллионта дарахтлар экилган. Бирлашган Араб Амирликларида «Яшил Амир» деб номланган Заид раҳбарлик даврида 120 миллиондан ортиқ дарахтлар экилган.

Етарлича кўпахоли сонли бўлмаган лекин бой аҳолига эга Бирлашган Араб Амирликларида Индустриализация капитал сиғимли ва жадал бўлиши керак. Замонавий саноат ва биринчм ўринда юқори технологик сектор кўп сонли юқори малакали иш кучини талаб этади. Амирлик ҳукумати миллий техник кадрлар тайёрлашда кўп ҳаракат қилмоқда.

Таълим тизими шундай тузилиши керакки, унда ўқув юртлари битирувчилари меҳнат бозори талабларига жавоб бериши керак. Афсуски ҳозирча ўқувчилар ва талабалар ўзларининг ижодий қобилиятларини эмас, балки ўқув материалларини ёдлашга йўналган.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати илмий изланишларни назорат қилувчи ва унга жавоб берувчи махсус бошқарув органи зарурияти ҳақида жиддий ўйлаб кўриши керак. Хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда университет ва саноат марказлари қарамоғида Бирлашган Араб Амирликлари ёш ва маҳоратли фуқоролари ўз қобилиятларини кўрсата олиши ва амалда қўллаши учун илмий текшириш марказлари ва лабораториялар очиш зарур. Намуна қилиб Internet City – талабалар учун эркин ва илмий ишлари учун очилган лойиҳасини кўрсатиш мумкин. Абу Дабида Higher Technology Campus (Юқори технологиялар университет талабалар шаҳарчаси) га қарашли CERT (Centre for Excellence in Research & Technology – Технология ва изланишлар маркази) ёшларни техник ижодини рағбарлантирувчи лойиҳа фаолият кўрсатмоқда

Форс кўрфази мамлакатлари доирасида илмий изланишларнинг йўналишини белгилаб олиш зарурдир. Бунда минтақа дунёга нафақат нефт ва газ захираалари миқдори билан , балки технологияларнинг юқори даражада ривожланганлиги билан машҳур бўлади.

Бирлашган Араб Амирликлари сувни чучуклаштириш, қуёш энергиясидан фойдаланиш, тупроқни тузсизлантириш, хавони кондиционерлаш каби соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаши керак.

Шуниси аёнки ҳар бир Амирликнинг ривожлантирилиши уларнинг ўзига хос эҳтиёж ва имкониятларига қараб режалаштирилмоқи зарурдир.

Шунинг учун Бирлашган Араб Амирликлари бошқаруви ҳар бири ўз минтақаси талабларига жавоб берувчи ривожланиш йўлларини талламоқдалар. Шунини айтиб ўтиш керакки ҳар бир Амирлик Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида ўзининг нефт, сайёҳлик, маданият, бизнес маркази каби ўрнига эгадир. Шундай экан уларнинг бирортасининг аҳамиятини айтмай ўтиш қийиндир. Бирлашган Араб Амирликларини ҳосил қилувчи етти Амирлик ҳажми, ресурс потенциали, тарихи, маданияти, тузилишига кўра турли хил бошқарув тизимига эгадир. Шундай бир хил эмаслик Бирлашган Араб Амирликларининг нисбатан Янги мамлакатлиги билан тушунтирилади ва у туфайли яқин кунгача қисмлари ўзича шаклланган. Ҳозирда ушбу ўзига хосликлар Амирликларнинг мамлакат иқтисодиёти, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўрни даражасини белгилаб беради.

3-БОБ. ЖАХОН МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙУЛЛАРИ

3.1. Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш омили сифатида

Жаҳон хўжалигида 2008 йилда вужудга келган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози таҳлил қилинадиган бўлсак кўпгина халқаро экспертлар ва мутахассислар бу инқирознинг сабабларига жавоби ўрнига кўпроқ савол, бахс мунозараларга дуч келди.

Бу мавзуда Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида батафсил маълумот берилган. Бу асар Жаҳоннинг кўпгина иқтисодчи олимлари томонидан юқори даражада баҳоланган.

Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тизимларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашди, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати халокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси ўз навбатида кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суратларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Ҳозирги кунда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз берган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келдилар.

Биринчидан, молия банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун

дунёни қамраб олган, иқтисодий пасайиш бўлган, инвестициявий фаоллик кўлами чекланган, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида таъсир кўрсатган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлди.

Иккинчидан, авж олиб боаётган молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни пайтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган фаолияти етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни бу аввало ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тизимларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар оқибатларидан қутилиш қабул қилаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир бири билан уйғунлигига боғлиқ.

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўрадиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий- иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ. Шунини айтиш керакки кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор ахволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Жаҳон иқтисодиёти учун 2009 йил жуда шов-шувли йил бўлди. Бутун жаҳон банкларида инқироз рўй бериб, ишсизлик кескин ўсиб кетди. Бу ҳолатдан тикланиш 2010 йилнинг ўрталарига келиб юз бера бошлади. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматнинг жавобан кучли пул-кредит ва молиявий сиёсати ҳамда 2008 йил охири ва 2009 йил бошида нефт нархининг ўсиши бу тикланишнинг фаолияти марказига яқин бўлди. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматининг зудлик билан 2008 йилнинг охирида жаҳон молиявий инқирози бошланиши билан амалга оширган миллий иқтисодиётни қўллаб қуватлайдиган дастури яхши фойда берган. Абу Даби ҳукумати Дубай ҳукуматига 5 миллиард миқдорида суда берган. Бу маблағ Дубайга ўзининг облигациялардаги қарзларини қисқартиришга ва жаҳондаги инвесторлар орасидаги муаммоларни пасайтиришга сарфланди.

Бирлашган Араб Амирликлари нефтнинг етакчи экспорт қилувчи сифатида дастлаб нефт нархининг 2008 йилнинг июль ойида рекорд даражада 147 АҚШ долларига қўтарилишидан манфатдор эди. Аммо мамлакат охири нефтга бўлган талабнинг кескин пасайишига ва 2008 йил июл ойидаги нарх наво чўққисига қараганда учдан биридан ҳам пасайиб глобал пасайишга юз тутди. 2008 йилнинг титратувчи якунловчи ойларида қалтислик даражаси ошиб кетиши сабабли хусусий капиталнинг киритишнинг катта оқими йўқ бўлиши ва фонд биржаларида индексларнинг пасайиб кетиши жаҳон иқтисодий тизимларида акс этди. Бирлашган Араб Амирликларининг Жаҳон иқтисодиётига яқин интеграциясининг яна бир далили сифатида мамлакатда ҳамда хусусий секторда қурилишнинг мамлакат иқтисодий ўсиши қуринишида пасайиб кетганини мисол қилиш мумкин. Буларнинг барчаси Бирлашган Араб Амирликлари ўсиши 2009 йилда бошқа йилларга қараганда кескин пасайятганини англатарди. Иқтисодиёт вазирлиги 2009 йилнинг октябрь ойида йилнинг ўсиш даражасини 1.3 % миқдорида башорат қилган. Валюта фонди май ойида ЯИМ 0.6 % га пасайишини башорат қилган. Лекин Бирлашган Араб Амирликлари 2010 йилга 2.4 % ўсиш билан кириб келган.

Умуман иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш Бирлашган Араб

Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш омили сифатида қарайдиган бўлсак, шунини айтиш мумкинки иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ўзига хос ижобий ҳамда салбий жиҳатлари мавжуд.

Ижобий жиҳатларига шунини айтиш мумкинки секторларда рақобатбардошлик ошади. Бу сифат даражасининг кўтарилишига, нархнинг пасайишига олиб келади. Катта ҳажмдаги инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кириб келиш оқими ошади. Миллий иқтисодиётда самарадорлик даражаси ошади. Бандлик кўпаяди, маҳаллий иш кучи бандлиги даражаси яхшиланади. Юқоридаги омиллар орқали давлатнинг даромадлари ҳажми ошади.

Салбий жиҳатларини айтиб ўтадиган бўлсак, яширин иқтисодиёт ўсиши ҳавфи ҳамда корхоналарнинг ноқонуний фаолият юритадиган ҳолатлари ҳам вужудга келиши мумкин. Ўта эркин фаолият юритадиган соҳа тартибга солинмаса инқирозга учраш эҳтимоли мавжуд. Бирор бир соҳадаги назоратнинг йўқлиги ушбу фаолиятга доир атроф муҳит, экологияга кучли зарар етказиши ёки бебаҳо хом-ашё ресурсларининг тартибсиз тугатиб битилишига олиб келиши мумкин.

Шунини айтиб ўтиш зарурки Президентимиз томонидан айтиб ўтилган сўзларга қулоқ тутиш керак. Маълумки, муҳтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва янгилаштиришга доир беш тамойилга асосланган, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амлага ошириб келинаётган иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели», шунингдек, чуқур ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсат макроиқтисодий барқарорлик, молия-банк соҳасининг барқарор фаолият юритиши ва валюта захиралари кўпайишини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиётини спекулятив капитал, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган оқим таъсиридан ҳимоялаш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам захира бўлиб хизмат қилмоқда.¹⁶

¹⁶ Каримов И.А. «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзuidaги халқаро конференция иштирокчиларига. 2010 йил 12 апрель.

Шундай экан иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришда ўта эҳтиёткорлик билан иш юритиб, нозик жихатларига аҳамият берган ҳолда амалга ошириш керак.

Бирлашган Араб Амирликларида мавжуд хом-ашёдан тушган даромад эвазига эркин иқтисодиёт қурилиши осон кечди. Ушбу мамлакатда резидентлар ёки норезидентлар қулай иқтисодий шароитда иш олиб бориш имкониятига эгадирлар. Шунини айтиш мумкинки бу мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланиш учун жаҳонда энг яхши шароит яратиб берилган. Шу сабабли ҳам бу ерда деярли дунёнинг барча йирик корпорациялар фаолият юритадилар. Шу яратилган эркин иқтисодий шароит туфайли у жуда катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қила олди ва шу билан биргаликда диверсификация яхши амалга ошди ва мамлакатга тушадиган даромадлар янада ошди. Лекин шунини айтиш керакки давлат қайсидир маънода иқтисодиётни тартибга солиб туриши лозим. Жаҳон молиявий инқирози даврида, агар мамлакат ҳукумати ўз вақтида аралашмай Абу Даби амирлиги Дубайга молиявий ёрдам бермаганда, Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётидаги қилинган шунча ислохотлар зоя кетиб янги секторларда инқироз юз бериши ва Бирлашган Араб Амирликлари яна илгаригидек нефтга кучли боғлиқ бўлиб қолар эди. Демак мамлакатда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштирган дуб айтишимиз мумкин. Лекин давлат барибир баъзи бир стратегик аҳамиятга эга соҳаларни қисман бўлсада назорат қилиб туриши керак.

Сўнги вақтларда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти ривожланиш сурати жадаллашиб бормоқда. Баъзи бир олимлар бунга асосий сабаб деб Амирликнинг катта нефт ва газ захиралари деб таъкидлаши мумкин. Лекин бунга асосий сабаб мамлакат иқтисодий муносабатларни эркинлаштирилиши, шу билан биргаликда иқтисодиётини такомиллаштиришидир. Чунки нефт ва газ захираларига эга мамлакатлар бир қанча ва уларнинг ҳам иқтисодий шароитлари Бирлашган Араб

Амирликлари кабидир. Аммо улар еришган натижаларини солиштирадиган бўлсак Бирлашган Араб Амирликларининг иқтисодиёти ривожланиш даражаси анча олдинда. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши бу ривожланишнинг асосий сабабларидан биридир. Бу иқтисодиёт хорижий сармояларни ўзига жалб қилди. Бирлашган Араб Амирликлари бу сармоялар кириб келиши учун нефт ва газдан келган даромадлар ҳисобига инфратузилмаларни ривожлантиришган. Ривожланган инфратузилма, эркин иқтисодий ҳудудлар катта ҳажмдаги сармоялар кириб келганлиги асосий сабабидир.

Шуни айтиш лозимки, махсус иқтисодий ҳудудлар иқтисодиётнинг очиклигига эришишда, уни саноатлаштириш ва иқтисодий ўсишида, шу билан бирга савдони рағбатлантириш ва хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунда айниқса қуйидаги муҳим масалаларга урғу берилмоқда:

- Сармояларни жалб этиш ва улардан манфаатли фойдаланиш;
- Товар экспорти даражасини ошириш, ички бозорга юқори сифатли маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш мақсадида ишбилармонларнинг чет эл сармоядорлари билан ҳамкорлигини фаоллаштириш;
- Янги технологияларни татбиқ этиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришни тезлаштириш ва бошқалар.

Шуни айтиш жоизки, махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш заминида хориж сармояларини жалб этиш ҳамда маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантирувчи мувозанатлашган иқтисодиётни юритиш ётади. Йиллар давомида Бирлашган Араб Амирликларида кенг меъёрий-ҳуқуқий базага асосланган инвестицион иқлим, чет эл инвесторлари ва миллий ишбилармон субъектлар учун кенг кўламдаги ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими ташкил этилди.

Юқорида айтилган Қонунларнинг қабул қилиниши бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилишига олиб келади, сармоялаш фаолиятини рағбатлантирувчи кўплаб алоҳида бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишининг олдини олади, тақдим этилаётган имтиёз ва афзалликлар таъсир доирасини бир мунча оширади, чет эл сармояларини жалб этиш усулларини тубдан ўзгартириб юборади. Шунингдек, махсус иқтисодий ҳудудга (эркин иқтисодий ҳудуд)– иқтисодий ва ташкилий бошқарувни тартибга солувчи, солиқсиз тартиботнинг амал қилиши сифатида қаралади ва хориж инвестициялари жалб этилиб, ташқи иқтисодий фаолият рағбатлантирилади.

Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдода махсус иқтисодий ҳудудлар ташкилий – вазифаларининг, хусусан товар савдосининг оддий шаклидан оммавий истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш, турли хилдаги хизмат кўрсатишнинг такомиллашиб бориши сезилмоқда. Шу сабабли махсус иқтисодий ҳудудлар бир неча мақсадларни ўз ичига олади.

Биринчидан, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг асосий мақсади халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига мамлакатларни чуқурроқ жалб этишдан иборатдир. Сўз экспортбоп маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва шу тариқа валюта тушумини ошириш ҳақида бормоқда.

Иккинчидан, мамлакат ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, биринчи навбатда импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда махсус иқтисодий ҳудудларнинг ўрни жуда ҳам муҳимдир, шунинг учун бундай ҳудудларда хориж сармоялари ҳисобига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Учинчидан, эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этиш халқаро меҳнат тақсимотининг нафақат ишлаб чиқаришга, балки сайёҳлик, маданият соҳаларига чуқурроқ жалб этишни кўзда тутаяди, бу эса ўз навбатида валюта тушумини ортишига олиб келади.

Тўртинчидан, эркин иқтисодий ҳудуд миллий ва чет эл илмий техника-технологияларини маҳаллий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, улардан мамлакат миллий иқтисодиётида фойдаланишни назарда тутати.

Бешинчидан, ривожланаётган мамлакатларда махсус иқтисодий ҳудуд ташкил этишдан мақсад – малакали ишчилар, муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини ўқитиш ва тайёрлашдан иборатдир.

Олтинчидан, махсус иқтисодий ҳудуд ташкил этишнинг муҳим мақсади – маълум ҳудуд ёки маълум саноат соҳасининг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришдан иборатдир. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда майда ва ўрта бизнесни жонлантириш мақсадида махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил этилган. Ушбу ҳудудларда мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан тадбиркорларга хўжалик юритиш учун катта эркинликлар ва сезиларли даражадаги имтиёзлар берилган. Ушбу рағбатлантириш дастурлари хориж инвестицияларини жалб этиш учун махсус йўналишга эга бўлмаган. Айнан шу мақсадда ривожланаётган мамлакатларда иқтисоди қолоқ бўлган ҳудудларни динамик равишда ривожланаётган ҳудудларга айлантириш мақсадида эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этиш жараёни бўлиб ўтган. Бироқ, бу ерда саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, бундай ҳудудларни ташкил этишда чет эл сармояларига урғу берилган.

Ва ниҳоят, еттинчидан, айрим мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларга иқтисодиётнинг маъмурий фаолият асосларидан бозор фаолияти асосларига ўтиш шароитидаги ҳудудий янгиланиш услуби деб қаралади. Масалан, Хитойда махсус иқтисодий ҳудудлар экспериментал ижтимоий характерга эгадир. Бу мамлакатда “ҳаммаси бирданига” асосидаги маъмурий тизимдан бозор тизимига ўтиш халқ ва иқтисодиёт учун изтиробли деб топилган ва амалда ўз аксини топа олмаган. Шунинг учун бу ерда бозор иқтисодиётининг натижалари эркин иқтисодий ҳудуд мисолида текшириб кўрилади. Амалдаги тажриба шуни кўрсатади-ки, бозор асослари давлат мулкчилигига асосланган муносабатларни сиқиб чиқаради.

Дунё тажрибасидан келиб чиқган ҳолда, эркин иқтисодий ҳудуддан нафақат сармояларни жалб этувчи восита сифатида, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат қуроли сифатида фойдаланилади. Мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишига кўра, ривожланаётган мамлакатлар эркин иқтисодий ҳудудларни одатда сармояларни жалб этиш мақсадида ташкил этадилар, иқтисоди юқори даражада ривожланган мамлакатлар эса – кам ривожланган ҳудудларни рағбатлантириш ва иқтисодий ривожланиш даражасини мувозанатлаш йўлида фойдаланишади.

Махсус иқтисодий ҳудудлар иқтисодиётни диверсификациялаш, ички ва жаҳон бозорида рақобатбардош қайта ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқаришни, илмий изланишларни тижоратлаштириш йўли билан давлат инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилиши зарур. Бу ҳолда ташкил этиладиган эркин иқтисодий ҳудуднинг жойлаштирилишига эътибор қаратилиши лозим. У ёки бу ҳудудни ташкил этишда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги шарт-шароитларни инобатга олиш зарурдир:

- ички ва ташқи бозор учун қулай транспорт-географик жойлашуви ва транспорт коммуникацияларининг ривожланганлиги;
- ривожланган ишлаб чиқариш салоҳияти, саноат ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги;
- табиий – ресурс захираларининг мавжудлиги (аввало углеводород хом ашёси, рангли металллар ва бошқалар).

Эркин иқтисодий ҳудудни жойлаштириш учун одатда чегара ҳудудлар, денгиз портлари ва автотранспорт тизими магистраллари (темир йўл, автотранспорт йўллари, аэропортлар) ёки мавжуд саноат, илмий ва маданий марказлар, қимматбаҳо табиий ресурсларининг жамланган ҳудудлари жуда ҳам қулайдир. Айрим шароитларда эркин иқтисодий ҳудудни саноати ривожланмаган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма бўлмаган, янги ўзлаштирилган хўжалик ҳудудларида жойлаштириш ҳам мақсадга мувофиқдир, чунки бундай ҳудудлар муҳим узоқ муддатли умумдавлат

дастурларини амалга оширишга имкон беради (мамлакат ёқилғи – энергетик ва минерал хом ашё базасини мустаҳкамлаш ва бошқалар).

Эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш ютуқлари тарихи билан бир қаторда муваффақиятсиз уринишлари ҳам бўлган. Бунинг асосий сабаблари сифатида маълум ҳисобда лойиҳалаштириш жараёнидаги хатолар, эркин иқтисодий ҳудудга нисбатан ҳукумат сиёсатининг етарли даражада мукаммал эмаслигини айтиш мумкин.

Кенг тарқалган хато ва камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- асосли инфратузилмага (алоқа йўлларининг: автомобил йўллари, ҳаво транспортининг зарур даражада эмаслиги; телекоммуникация ва электр таъминотининг етарли даражада ривожланмаганлиги) етарли даражада аҳамият берилмаганлиги. Бундай шароитда эркин иқтисодий ҳудудда инфратузилмани ташкил этиш харажатлари тахмин қилинган сармоялар ҳажмидан ортиб кетади;

- ҳудуд маъмурияти ва имтиёзли тартиботлар ташкил этишга алоқадор бўлган (молия вазирлиги, иқтисодиёт вазирлиги, божхона ва солиқ қўмиталари) давлат идоралари ўртасидаги институт алоқаларининг етарли даражада эмаслиги;

- ҳудудни ташкил этиш тахмин қилинган майдонларнинг муваффақиятсиз танланганлиги (табiiй ва меҳнат ресурсларининг кичик ҳажми, бозор ҳажмининг етарли даражада эмаслиги).

Бирлашган Араб Амирлиги пухта аниқ ҳисоб-китоблар орқали режалаштириган лойиҳалари натижалари ҳаммамизга аён. Улар иқтисодиётни эркинлаштиришда, диверсификация қилишда ва таркиб такомиллаштиришда намунали кўрсаткичларга эришдилар.

Юқоридаги жумлалардан шуни айтишимиз мумкинки Бирлашган Араб Амирликлари Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш иқтисодиётини такомиллаштириш омили сифатида такидлаб ўтиш мумкин.

3.2. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари

XX-XXI асрлар бўсағасида рўй берган кенг кўламдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар жаҳон хўжалиги ва унинг моҳиятига ўз таъсирини ўтказган эди. Бу жараёнлар таъсирида жаҳон хўжалигида сезиларли силжишлар, ўзгаришлар юз бериб ривожланишининг янги, турли-туман ва кўп вариантли босқичлари шаклланди.

Жаҳон иқтисодиётида нафақат дунё, балки уни тушуниш, талкин қилиш ҳам ўзгариб бормоқда. Жаҳон хўжалигида, айниқса, Европа мамлакатлари иқтисодиётида шундай туб ўзгаришлар юз бердики, бу ўзгаришлар ҳам, албатта, жаҳон хўжалигини ривожланишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Маълумки, ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари бир-бири билан шундай ўзаро боғланиб кетганки, биз буларни асосан ўзаро иқтисодий алоқаларни турли даражада ривожланган иқтисодий тузилмаларнинг иштироқида кўришимиз мумкин. Ушбу мамлакатлар нафақат турли даражада ривожланганлиги билан, балки халқаро меҳнат тақсимотида ва жаҳон хўжалигига турли даражада жалб қилинганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида жаҳон сахнасига ўзининг илк қадамини қўйди. Янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитда, яъни бозор иқтисодиётига ўтишнинг таркибий қисмига айланган бир шароитда республикамизнинг интеграцион жараёнларга фаол ва кенг кўламда жалб этилишига ҳалақит бераётган бир қатор тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда бозор муносабатлари назарияси ва амалиётини, рақобатбардош иқтисодиёт асосларини ва корпорацияларнинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида иштироки усуллари ўрганишга бўлган қизиқиш республикамизда тобора ортиб бормоқда. Бу муаммолар ҳозирги кунда тор гуруҳдаги мутахассисларнинг

ўрганиш предмети бўлмай қолди. Миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалигининг бир қисми эканлигини тан олиниши эса «Жаҳон иқтисодиёти» фанининг ўрганиш предмети қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини ташқи бозорга чиқиши ва хорижий фирмаларнинг Республикамизда эндигина шаклланиб бораётган товар ва хизматлар бозорига кириб келиши илгари хўжалик амалиётида дуч келинмаган бир қатор янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Янги мустақилликка эришган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бозор шароитида, айниқса, халқаро бозор шароитида фаолият олиб бориш учун зарур бўлган назарий ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларнинг камлиги ёки деярли йўқлиги сезилмоқда.

Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти юқори даражада ривожланиб келмоқда. Унинг аҳоли ўртача йиллик даромади киши бошига 56 минг АҚШ доллари тенглиги¹⁷ ва бу кўрсаткич жаҳондаги юқори кўрсаткичлардан бири деб айтиш мумкин. "Меррилл Линч" инвестицион банки маълумотига кўра Бирлашган Араб Амирликларида 78 минг миллионер истиқомат қилади ва уларнинг мол мулки умумий ҳисобда 160 миллиард АҚШ долларида ошади.

Бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодий ривожланиш даражасига кўра Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда марказий Осиё мамлакатлари ичида учинчи ўринда турибди.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти бошқаларни қизиқтиришига сабаб бу ерда яхши мўтадил сиёсий тизим, иқтисодиёт ва ривожланиш сурати мавжуд. Бу мамлакат солиқларсиз хар қанақа товарлар олиб кириш ва олиб чиқиш имкониятини яратиб берган. Эркин иқтисодий ҳудудлари мавжуд.

Асосий ўсиш нефт билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга тўғри келмоқда. Экспортларнинг фикрича Бирлашган Араб Амирликларидаги охириги уч

¹⁷ <http://siteresources.worldbank.org/DATASTATISTICS/Resources/GDP.pdf>

декадасидаги иқтисодиётидаги ўсиш дунёдаги энг яхши кўрсаткичдир. Бунда инвестициялар ўрни жуда катта ва у умумий ҳисобда 6000 миллиард дирхамга (163 миллиард АҚШ доллариға) тенгдир.

Лондон илмий текширув гуруҳи маълумотларига кўра Бирлашган Араб Амирликларида 2008 йилда нефт қазиб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётнинг бу сектордаги даромад ҳажмининг 37.6 миллиард АҚШ доллариға етишиға сабаб бўлди. Шу билан биргаликда ташқи тўлов балансининг ижобийлиги ва инфляциялар устидаги назорат сақланиб қолди.

Ўтган йилда Бирлашган Араб Амирликларининг нефт қазиб чиқариш ҳажми куниға ўрта ҳисобда 2.8 миллион баррелни ташкил қилди. Лондан иқтисодий гуруҳи башорат қилишича бу йили кўрсаткичлар куниға 2.9 миллион баррелни ташкил қилади. Шу кўрсаткичлар келгуси йилда ҳам сақланиб қолади. 2005 йилдаги нефт қазиб чиқаришдаги кескин сакрашға сабаб деб Араб мамлакатларидаги ички низолар сабабли куниға миллионлаб баррел нефтни ўрнини қоплаш учун Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа форс кўрфази нефт қазиб чиқарувчи давлатлари фаоллигига олиб келди. Экспортдан келадиган даромад бу йили 48 миллиард долларгача ўсади. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодий ўсиш сурати жаҳонда энг юқорилардан бири. Кувейтнинг Global Investment House инвестицион компанияси хабар беришича сўнги беш йил ичида нефтнинг юқори баҳоси туфайли мамлакат иқтисодиёти йилиға ўртача 9.3% га ўсиб келган. 2007 йилдаги жўшқин қурилишлар, туризм, банк сектори номинал Ялпи Ички Маҳсулотнинг ўсишиға асос бўлди, Реал ЯИМ 7.4 % га ўсди. Нефт ва газ экспортидан тушган маблағ мамлакат ЯИМ сининг 35% ни берди. Бирлашган Араб Амирликлари Марказий Банки 2009 йилда иқтисодий ўсиш сурати 8.2 % ни ташкил қилди деб маълум қилди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати Илмий текширувларға жавоб берадиган махсус орган зарурияти ҳақида кўп ўйлаб кўришлари керак. Хорижий малакалардан тажрибаларидан фойдаланган ҳолда Бирлашган Араб Амирликлари ёш ва қобилиятли аҳолисига ўз қобилиятларини намоён қилиб

улардан амалиётда фойдаланишлари учун илмий текшириш марказлари, институтлар ва индустриал марказлар қарамоғидаги лабораториялар очиш керак. Мисол қилиб Абу Дабидаги мавжуд Higher Technology Campus қарамоғидаги CERT (Centre for Excellence in Research & Technology) ёшларни техник қобилиятларини рағбатлантирадиган лойиҳани олиш мумкин.

Минтақа жаҳонда фақатгина катта нефт ва газ заҳиралари билан эмас балки технологияларнинг юқори ривожланиш даражаси билан машхур бўлиши керак.

Бирлашган Араб Амирликлари сувни чучуклаштириш, ер таркибини тузсизлантириш, қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда ҳавони кандидианерлаш каби соҳаларда етакчи бўлиши керак.

Кун тартибида Эркин Иқтисодий Худудлар раҳбарияти билан юқларни расмийлаштириш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган ҳамкорлик қиладиган махсус орган яратиш турибди.

Юқоридаги режаларни амалга ошириш иқтисодиётда тармоқ таркибини ривожлантириш Бирлашган Араб Амирликларига келгусида юқори даражада ривожланган индустриал давлатлар билан бир қаторда туришига ёрдам беради.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини Ўзбекистон билан солиштирадиган бўлсак Бирлашган Араб Амирликларида нефт экспортига боғлиқ иқтисодиётдан таркибий жihatдан ривожланган иқтисодиётга қараб ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбекистонда битта соҳага Амирлик каби боғлиқли бўлмасида лекин улар каби келажакда Иқтисодиёт таркибини ривожлантириш геоиқтисодий жihatдан муҳим аҳамият касб этиши ва мамлакат ривожланиш даражасини ижобий тарафга ўзгаришига олиб келади.

Бирлашган Араб Амирликлари мисолида шу нарса кўриниб турибдики жаҳон бозор иқтисодиёти ўзгаришларига боғлиқ бўлмаган мўтадил мустақил ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни яратиш фақатгина иқтисодий барқарор барча ривожлантиришга таъсир қилувчи моддий, молиявий ва асосан инсон факторига боғлиқ.

XX асрнинг охири-XXI асрнинг боши халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро капитал, ресурслар бозорида миллий иқтисодийётлар иерархиясига асосланган янги жаҳон хўжалиги тизимининг шаклланиш даври ҳисобланади.

Жаҳон хўжалик тизими ривожланишидаги бундай янги йўналишлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари ва вужудга келишига ва тараққий топишига олиб келмоқда. Натижада миллий иқтисодийётларнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги кучаймоқда ва ташқи иқтисодий фаолият иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг асосий шартларидан бирига айланмоқда. Жаҳон хўжалик тизими ривожланишидаги бундай янги йўналишлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари ва вужудга келишига ва тараққий топишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодийётини глобаллаштириш, унинг жаҳон хўжалиги тизимига тобора уйғунлашиб боришини таъминлаш ва экспортни рағбатлантириш орқали миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга йўналтирилган фаолиятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон томонидан минтақа транспорт инфратузилмаси ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан Президентимиз Ислом Каримов томонидан таклиф қилинган Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Омон-Қатар транспорт йўлаги ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир. Шу йўлак орқали Марказий Осиё давлатларига Форс кўрфазидagi катта бозорларга йўл очилади. Бу бозорларнинг йиллик импорти 335 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.¹⁸ Уни амалга оширишда юртбошимиз томонидан катта ишлар қилинмоқда. Қатарга амалга оширилган расмий ташриф шу йўлак истиқболи юзасидандир.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар 25 октябр 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Ваколатхона Дубайда очилиши билан ўрнатилди. Бирлашган Араб Амирликларининг Ўзбекистондаги Ваколатхона 2006 йилдан ўз фаолиятини бошлади.

¹⁸ Новости Узбекистана - ANONS.UZ

Ўзбекистон республикаси президенти И.Каримов ташаббуси билан 2007 йилдан бошлаб Абу Даби шаҳрида бизнинг элчихона Бирлашган Араб Амирликларида фаолиятни бошлаган. 2007 йилдан бошлаб икки тамонлама алоқалар жонлашиши кузатилган. 26 октябр 2007 йилда Ўзбекистонга Бирлашган Араб Амирликлари бош вазири, Дубай Амири Шайх Мухаммад бин Рашид Ал Мактум расмий ташрифи амалга ошди. Ташриф давомида Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги алоқалар катта аҳамиятга эга деб тўхталиб ўтди. Шу билан биргаликда тарафларнинг жаҳон сиёсий масалаларига қарашлари ўхшашлиги ва иқтисодий алоқаларнинг борган сари кенгайётганини айтиб ўтдилар. Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири Шайх Мухаммад бин Рашид Ал Мактумнинг Тошкентга ташрифи натижасида икки тарафлама алоқларнинг мустахкамлаш ва ривожлантириш тўғрисидаги битим тузилди.

5 ноябр 2007 йил Ўзбекистонга Бирлашган Араб Амирликлари Ички Ишлар Вазири Шайх Сейф бин Заед Ал Нахаян ташриф буюрди. Мехмон Президентимиз И.Каримов томонидан қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари Жаҳон ва минтақавий БМТ каби кўпгина Жаҳон ташкилолари доирасидаги масалалар бўйича ҳамкорлик қилишмоқда. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида борган сари Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. 2007 йилда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги товар айланмаси 93.1 АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликларига пахта толаси, рангли металллар, шойи, газламалар, сабзавотлар экспорт қилинмоқда. Бирлашган Араб Амирликларидан резина, каучук, кийим-кечак, техника товарлари, қурилиш моллари, мебел ва транспорт воситалари импорт қилинмоқда. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармояси иштирокидаги 68 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 31 таси 100% ли капитал билан тузилган.¹⁹

¹⁹ www.mfa.uz Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги расмий сайти

1992 йилдан бошлаб мамлакатлар орасида «Ўзбекистон ҳаво йуллари» томонидан Тошкент-Шарджа-Тошент авиорейс маршрути бошланган. 7 март 2008 йилдан бошлаб Тошкентни савдо ва сайёҳлик маркази Дубайни боғловчи «Ўзбекистон ҳаво йуллари» нинг биринчи рейси амалга ошди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликларида эркин иқтисодий ҳудудлар мавжуд.

Эркин иқтисодий ҳудудлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ана шундай ажралмас қисми сифатида жаҳон ҳўжалигида муҳим ўрин тутмоқда. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг жаҳон ҳўжалик тизимида тутган ўрни энг аввало, шу билан белгиланадики, улар халқаро товар алмашинувини фаоллаштиришни, инвестицияларни сафарбар этиш, иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш эвазига жадал иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди шулар жумласидандир.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси 2008 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан замонавий юқори технологияли корхоналарни ишга тушириш, саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хорижий, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодий ўсиш сураатлари жаҳонда энг юқорилардан бири бўлиб, «Жабал Али» эркин иқтисодий ҳудуди дунёдаги энг яхши натижага эришган ҳудуддир. Мамлакат иқтисодиётининг ўсишига шу ҳудуд аҳамияти жуда катта. БАА тажрибасидан фойдаланган ҳолда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бирлашган Араб Амирликлари мисолида шу нарса кўриниб турибдики жаҳон бозор иқтисодиёти ўзгаришларига боғлиқ бўлмаган мўтадил мустақил ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни яратишдир. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги корхоналарнинг

асосий фаолияти етиб қуйидаги йўналишлар белгиланган: автомобилсозлик, аниқ машинасозлик, электроника ва электр техникаси, фармацевтика ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластмассаларни қайта ишлашга замонавий, юқори самарали ускуналар, инновация технологияларини жорий қилган ҳолда, кенг турдаги юқори технологияли, экспортга йўналтирилган, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият юритадиган резидентлар учун мисли қўрилмаган қулай имтиёзлар белгиланган. Бу деярли солиқсиз, имтиёзли валюта режими, шунингдек, чет эллик ходимларнинг мазкур зонада бўлишининг соддалаштирилган тартибни ўз ичига олади. Бугунги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудуди янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиши учун тайёр ҳолга келтирилган, барча муҳандислик коммуникациялари қуриб битказилган. Бундан ташқари Жаҳон автотрассасидан Навоий аэропортигача катта тўрт қаторли кенг автомогистрал қурилиши амалга оширилмоқда. Маъмурий, банк-молия ва бошқа тегишли хизматларни кўрсатиш учун маъмурий ва молиявий марказ бинолари қурилган. Импорт ва экспорт маҳсулотларни расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун божхона постининг қурилиш ишлари нихоясига етказилди. Ҳозирги кунда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 16 лойиха амалга оширилмоқда. Айти кунгача 5 корхона иш бошлади. Жорий йилнинг охиригача яна 7 лойихани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойихалар доирасида энергия тежайдиган лампалар, LCD мониторлар, электрон газ хисоблагичлари, тайёр дори-дармон воситалари, генераторлар, компрессорлар ва “GM Uzbekistan” корхонаси автомобиллари учун ускуналар блоклари сингари замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

“АгроФресх” корхонаси “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий

зонасида биринчилардан бўлиб очилган қўшма корхоналар сирасига киради. Ушбу янги корхона “Марказсаноатэкспорт” ГАВК ва Бирлашган Араб Амирликларининг “Kefayat General Trading Co” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Қўшма корхона 3000 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имконини берадиган, ҳарорат газ орқали бошқариладиган, Италиянинг музлаткич ускуналари билан жихозланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,03 миллион долларни тасхил этади. Бу ерда йигирмадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Корхона маҳсулотининг қарийб 50 фоизи экспортга чиқарилади.²⁰

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган барча ишлаб чиқариш корхоналари замонавий, юқори технология ускуналари билан жихозланган бўлиб, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда янада катта имкониятларни беради. Ундан ташқари жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларни такомиллаштирилишида иқтисодий ҳамкорликлар ва муносабатларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Ҳамда кўп қиррали инвестиция, хусусан янги технологияларнинг олиб кирилиши, сифатли ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи асбоб-ускуналарни жорий этиш йўллари мамлакатимиз истиқболи учун муҳим ўрин эгаллайди.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта аҳамиятга эга. Чунки бу соҳа иқтисодиётнинг энг тез ривожлантирувчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ўз тараққиётнинг асоси сифатида хусусий мулкчиликка асосланган ва кучли ижтимоий йўналтирилган бозор қтисодиётини барпо этишга қаратилган сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қуватлаш ва ривожлантириш масаласи айнан юқоридаги давлат иқтисодий сиёсатининг узвий бўлагидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланганлиги

²⁰ <http://www.jahonnews.uz/uzb/news/economy>

Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даврида мазкур соҳа давлат сиёсатининг алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган энг устивор йўналишлардан бири эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган эн муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисида Президент И.А. Каримов томонидан «Мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан маъсулият юклаши, бу борада тайёрланган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш биздан қанча куч ва маблағларни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришимизнинг, ўйлайманки, зарурати бўлмаса керак»²¹ - деб таъкидланди.

Маълумки республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилиши маҳаллий хом Аше ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, ички бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш каби долзарб муаммоларни ички имкониятлар ҳисобидан тўлиқ бартараф этишга имкон беради.

Бозор талабига кўра ва истеъмолчиларнинг ўзгариб турадиган дидига қараб қисқа давр ичида сифатли махсулотларни кўп турда ишлаб чиқара олиш қобилиятли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жозибадорлиги ошишига, унинг бошқа турдаги корхоналар билан рақобат қилишига имкон яратади. БМТ маълумоларига кўра, кичик бизнес дунёдаги жами ишга яроқли аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминлайди.

Республикамызда ишчи кучи салоҳиятини ва аҳолининг табиий кўпайиш даражаси юқори эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда ҳам энг мақбул воситалардан

²¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган мажлисдаги маъруза.// Халқ сўзи, 2011 йил январь.

бири бўлиши табиийдир. Хусусан республикамизда 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жами иш билан банд аҳолининг 74.3 % ни камраб олади. Рустубликамизда яратилган қулай шарт-шароит ва ўзининг аниқ афзалликларига қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳали республикамиз иқтисодиётида ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этганича йўқ.

Масалан, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши бугунги кунда 55-60 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор даражада ўсиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 2010 йилда 8.5 фоизни ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодий тизимда мавжуд соҳа ва тармоқлар ҳам изчил суръатларда ривожланмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Республикамиз Президенти таъкидлаганидек: «2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7.7 ва 12.4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса, 30.1 фоиздан 17.5 фоизга тушди».²²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган ПҚ-1474-сонли Қарорига мувофиқ, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастури тасдиқланди. Маскур Дастурда жорий йилда тўққизта йўналишни ўз исига олган жами 115 та чора тадбир ҳамда вазифаларни амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Шу жумладан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурида кичик бизнеснинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллштириш соҳасида биргина 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» янги Қонуний лойиҳаларни, шунингдек «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги

²² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.//Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, №16 (5183).

Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ҳамда «Солиқ кодекси» га, «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида» ги ва «Лизинг тўғрисида» ги Қонунларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш юзасидан тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Бундан ташқари, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий ҳамда маъмурий қўллаб-қуватлаш мақсадида бу соҳага қўшимча солиқ имтиёзларининг берилиши ва имтиёзли кредитлар ажратилиши, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ маъмурий харажатларнинг қисқартирилиши борасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Хусусан 2011 йилда:

- Фаолиятида модернизациялашни ва технологик янгиланишларни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ кредитларини қўллаш механизмини жорий этиш;
- Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинadиган давлат божи суммасини камида 2 марта камайитиш;
- Ҳар ҳафтанинг жума кунларида барча вилоят, шаҳар ватуман ҳокимликларида «Тадбиркорлик куни»ни ўтказиш ва шу куни мазкур соҳанинг жорий муаамолари ҳал этилишини йўлга қўйиш;
- Ўз вақтида солиқ тўловларини тўлаб бораётган ва товар айланмаси ҳар йили 1.5 баробарига кўпаяётган кичик бизнес субъектлари фаолияти устидан солиқ текширувларини ўтказишга 2011 йилнинг 1 апрелидан бошлаб 3 йил муддатга моратория эълон қилиш;
- Давлат рўйхатидан ўтган пайтидан бошлаб фаолиятининг дастлабки 3 йилида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларини (акцияли товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш бундан мустасно) режалаи солиқ текширувларидан озод этиш;
- Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик

субъеклари фаолиятини модернизациялаш мақсадлари учун ажратиладиган ўрта ва узоқ муддатли инвестицион кредитлар ҳажмини камида 1.3 баробарига кўпайтириш;

- Ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган профессионал коллеж битирувчиларига ажратиладиган имтиёзли кредитларни 2.5 баробарига ошириш;

- «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини камида 1.3 баробарга кўпайтириш;

- Барча тижорат банклари томонидан деҳқон ва шахсий хўжаликларга қорамол сотиб олиш учун камида 40.1 млрд. сўм маблағ ажратиш;

- Иш билан бандлик жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан кишлоқ жойларда оилавий бизнес, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида 816 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратиш;

- Фермер хўжаликларига мини-технологиялар сотиб олиш мақсадлари учун кредит ва лизинг хизматлари ҳажмини 1.5 баробарга ошириш;

- Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратиладиган кредитлар миқдорини 1.2 баробарга кўпайтириш;

- Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштирокини янада кенгайтириш мақсадлари учун ажратиладиган кредитлар ҳажмини 1.1 баробарга ошириш;

- Ҳудудий инвестицион дастурлар доирасида кичик бизнеснинг 207 та инвестицион лойиҳасини амалга ошириш учун жалб этиладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини камида 1.2 марта кўпайтириш чора тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Умуман олганда, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига республикамиз тижорат банклари томонидан қарийб 3.5 трлн.

Сўм миқдорида кредитлар, шу жумладан, 631.0 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини янада кучайтириш мақсадида 2011 йилда республика минтақаларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида кичик бизнесга оид 446 та ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш, шу жумладан тўқимачилик соҳасида 89 та, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида 88 та, пойабзал ва терини қайта ишлаш бўйича 212 та кичик ишлаб чиқариш объектлари, шу жумладан 79 та гўшти қайта ишлаш бўйича, 86 та сутни қайта ишлаш бўйича, 47 та мева ва сабзавотларни қайта ишлай бўйича мини-технологияларга асосланган замонавий кичик корхоналар барпо этилади.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига қўшимча равишда қарийб 478 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 267 та, саноат соҳасида 55 мингта, қурилиш соҳасида 44 мингта, яқка тадбиркорлик фаолияти ҳисобига 112 мингта янги жойлари яратилади.

Бундан ташқари жорий йилда касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ташкил этиш ҳисобига жами 216 минг, шу жумладан қишлоқ жойларда 105 минг нафар Хотин қизлар, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иш билан таъминланади.²³

Ушбу давлат Дастурининг амалга оширилишида Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш, унинг тўлиқлигича амалга ошишида яхши натижаларга эришишда ижобий таъсир кўртата олади.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурида белгиланган чора тадбирларнинг

²³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки илмий-амалий журнал 03(166)“2011 бозор, пул ва кедит

амалга оширилиши 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи кескин кўпайишини таъминлаш билан бирга, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнинг муқаррар юксалишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

ХУЛОСА

Бирлашган Араб Амириликлари иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш йўналишлари ва унинг тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланишга бағишланган малакавий иш натижаларини умумлаштириш кўйидаги хулосага келиш имконини берди.

Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак иқтисодиётнинг таркибий тузилиши бу алоҳида таркибларнинг ўзаро фоиз кўринишидаги кўрсаткичлар еғиндисиدير. Одатда бирор бир иқтисодий таркибий тахлил қилинганда унинг умумий ишлаб чиқаришдаги хажми кўрсаткичи орқали баҳо берилади.

Бирор бир мамлакат иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришда Ушбу мамлакатда мавжуд қулайлик ва имкониятлар ёрдамида ривожланган таркиблар каби ривожланмаган соҳаларни ривожлантиришдан иборатдир. Иқтисодиёт таркиби дойимо ўзгаришсиз бўлмайди. Баъзи бир соҳалар ўсади, баъзилари эса аксинча ўсиш суратлари пасайиб тўхтаб қолади. Таркибий ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётида бирданига ўз холича юз бериши мумкин ёки бу ўзгаришлар давлат томонидан иқтисодий сиёсат ўтказиш давомида тартибга солиш орқали юз беради. Мамлакат иқтисодиётининг таркибини такомиллаштиришда асосан давлат дастурлари, маълум соҳадаги давлат сармоялари, субсидиялар, турли ҳилдаги алоҳида корхоналарга, минтақаларга ёки яхлит соҳага солиқ имтиёзларидан фойдаланилади. Иқтисодий таркиб такомиллаштиришнинг амалга оширилиши мамлакатнинг мўтадил самрали ўсиш суратини таъминлайди. Иқтисодий таркиби ривожланмаган мамлакатлар иқтисодиёти аксарият ҳолларда бирор бир ягона соҳага ва ундан тушадиган даромад ёки валюта тушимига боғлиқ бўлади. Жаҳон иқтисодиётида маълум соҳаларининг ахамияти кўпайиши ёки камайиши ҳамда улардаги циклик ўзгаришлар ҳамда инқирозлар юз бериши ҳаммамизга маълум. Маълум бир соҳага боғлиқ мамлакат юқоридаги ўзгаришлардан иқтисодиётига катта зарба бўлиш, даромад манбаси

камайиб кетиши, валюта оқими камайиши, шу орқали мамлакат аҳолиснинг ижтимоий аҳволи ёмонлашиши эҳтимоли юқори бўлади. Иқтисодиёти таркибини такомиллаштирган мамлакатни юқорида айтиб ўтилган ҳавфларни ҳамда шу билан биргаликда бошқа давлатлар томонидан уларга иқтисодий босим ёки таъсир ўтказиш олди олинади. Миллий бозорга ишлаб чиқариш мақсадида янги технологиялар олиниб келиши кўпаяди ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифат даражаси ортади. Иқтисодиёти таркиби такомиллашган мамлакат ўз ички бозорида турли хилдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Бунда Мамлакат аҳолиснинг кўп қисми иш билан таъминланади ва ижтимоий яшаш шаройити яхшиланади. Кундан кунга мамлакат аҳолиси сони ўсиб бораётган ва аҳоли ўсиш сурати дунёда етакчи бўлган араб мамлакатлари учун бу жуда долзарбдир. Импорт ҳажми камайиши, Экспорт ҳажми кўпайиши хорижий валютага бўлган талабни камайтиради ва шу билан биргаликда мамлакат валюта захираси ҳажми ортиб боради. Шу билан биргаликда иқтисодий аҳволи мўтадил мамлакатларга сармоялар кириб келиши оқими кўпайиб бораверади. Кириб келаётган сармоялар иқтисодиётнинг қисқа фурсатда ўсиши сабабларидан биридир.

Шундай қилиб шуни дадил айтиб ўтишимиз мумкинки мамлакат иқтисодиётининг мўтадил ўсиш суратларини таъминлаш ва иқтисодий инқирозларнинг олдини олмоқчи бўлса, дастлаб иқтисодиёт таркибини такомиллаштириши зарурдир.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёти ва ундаги йиллар давомида амалга ошган таркибий ўзгаришлар кўрсаткичлари тахлили шуни кўрсатдики. Мамлакат иқтисодиёти сўнги йилларда катта ижобий натижаларга эришди. Умуман олганда Бирлашган Араб Амирликлари катта углеварод экспорт қилувчи мамлактлар ичида тушган валютадан самарали фойдаланган ва энг яхши натижаларга эришган. Бирлашган Араб Амирликлари катта валюта оқимиға боғланиб қолишдан ўзини қафолатлаш

мақсадида иқтисодиёти таркибини такомиллаштирди деб айтишимиз мумкин. Бу кўрсаткичларга Бирлашган Араб Амирликлари давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлари орқали эришди. Бирлашган Араб Амирликлари дастлаб ўз ривожланиш йўлини белгилашда мамлакат имкониятларидан келиб чиқган ва ҳозирги шарт-шаройитни аниқ баҳолаган ҳолда тўғри қарор қабул қила олди. У ўз иқтисодиётини ривожлантиришда ҳудудий таркибини тўлиқ ўрганиб аниқ мақсадни белгилаган ҳолда йўл тутди. Нефт ва газ захиралари чекланганини англади ва Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилди. Қонунчиликларни иқтисодий шаройитга мослаштирди. Ўз ҳудудида барча зарурий инфратузилмаларни яратди. Давлат раҳбарларининг олдиндан кўра билиш қобилиятини ишга солган ҳолда улар адашмади ва ижобий натижаларга эришди. Ҳозирги кунга келиб Бирлашган Араб Амирликлари шаҳарлари инфратузилмаси ривожланган мамлакатлардан қолишмайдиган даражага эришди. Ажабланарлиси у қисқа фурсат ичида кам ривожланган мамлакатдан замонавий саноатлашган давлатга айланди. Бирлашган Араб Амирликлари ўзида ҳам илмий техник ривожланиш ҳам аجدодлар анъаналарини мужассамлаштира олди. Замонавий катта шаҳар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўта замонавий осмон ўпар бинолар ва қасрлар ҳаммани лол қолдиради. Бирлашган Араб Амирликларида савдо марказлари ҳозирда дунёдаги энг замонавий арзон ва қулайликлари билан ажралиб туради.

Бу натижаларга эришишда мамлакат раҳбарлари иқтисодиётни эркинлаштириш орқали бутун дунёдан сармоядорларни жалб қила олдилар. Президентимиз И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши Ўзбекистонда ҳам хусусий мулкчиликка қаратилган бозор иқтисодиётини барпо этишдаги Яна бир олға қадамдир. Пухта режа орқали ташкиллаштирилган эркин иқтисодий ҳудудларда катта ҳажмдаги реэкспорт ва ишлаб чиқариш амалга оширилади. Бу эркин иқтисодий

худудларда сармоядорлар учун дунёдаги энг арзон ва энг қулай шаройитлар яратилган. Бу ерга юклар дунёнинг барча чеккалридан етиб келади ва бутун дунёга қайта тақсимланади. Аэропортлар ва портлар замон талабларига мос равишда жихозланган.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётини такомиллаштириш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларига келадиган бўлсак. Бу ерда сўзсиз Навоий эркин иқтисодий худудининг шаклланиши ва ривожланишида Дубай Амирлигида яратилган шарт-шаройитни ташкиллаштириш орқали фойдаланиш мумкин. Амирлик тажрибасидан келиб чиқган ҳолда илмий техник билимларни ривожлантириш мақсадида технопарклар қурилиши ва бунда уларнинг ижобий тарафларини олиш ва фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. – 74 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993. - 66 б.
- 1.3. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот: масъулиятли босқич. – Т.: Ўзбекистон, 1994. - 44 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 74 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
- 1.7. Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 5-том. -332-339 б.
- 1.8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 68 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.
- 1.10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
- 1.11. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Президент И.А. Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг

усутувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. – Т.: Халқ сўзи. 2008 йил 9 февраль.

1.7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2. Китоблар ва монографиялар

2.1. Абатуров В. Центральноазиатская интеграция под эгидой АБР. //Экономическое обозрение. 2003, №12. - с.13-17.

2.2. Арифханов Ш. Р. Формирование Центрально-азиатского общего рынка с учетом национальных интересов Узбекистана. //«Экономика Узбекистана» информационно-аналитический бюллетень за 2005 год. – 2006, №8. – с.117-120.

2.3. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.

2.4. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

2.5. Динкевич А.И., Швыдко В. Г. Страны Центральной Азии - новая фаза переходного периода / Ин-т востоковедения РАН. - М., 2005. - 174 с.

2.6. Евразийское экономическое сообщество: Правовые и экономические основы. /Под. ред. А.И. Манжосова. М.: ЮНИТИ, 2004. – 212с.

2.7. Козик Л.П., Кохно П.А. СНГ: Реалии и перспективы. М.: Изд. дом «Юридический мир», 2001. – 304 с.

2.8. Конкурентоспособность и модернизация экономики: В 2-х кн. /Отв. ред. Е.Г. Ясин. Кн.1. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2004. – 456 с.

2.9. Конкурентоспособность и модернизация экономики: В 2-х кн. /Отв. ред. Е.Г. Ясин. Кн.2. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2004. – 480 с.

- 2.10. Кругман П.Р., Обсфельд М. Международная экономика: теория и практика. /Пер. с англ. М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997. – 349 с.
- 2.11. Международная экономическая интеграция. /Под. ред. д-ра. экон. наук, проф. Н.Н. Ливенцева. М.: Экономистъ, 2006. – 430 с.
- 2.12. Мировая экономика: Учебник /под ред. проф. А.С. Булатова. - М.: Юристъ, 2000. – 734 с.
- 2.13. Портер М. Международная конкуренция. /Пер. с англ. Под ред. И с предисловием В.Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993. – 896с.
- 2.14. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.
- 2.15. Портер М., Такеути Х., Сакакибара М. Японская экономическая модель: Может ли Япония конкурировать?. /Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 262 с.
- 2.16. Расулев А., Бедринцев А. Перспективы партнерства: углубление экономической интеграции государств Центральной Азии. Сб. науч. тр. Транзитная экономика. - Алматы, IDK. 1998.
- 2.17. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.
- 2.18. Таможенный союз стран Евразийского экономического сообщества. /Под. общ. ред. Ю.А. Азарова. М.: Экономика, 2003. – 214 с.
- 2.19. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.
- 2.20. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: Россия и мир. 1992-2015. /Р.А. Фатхутдинов. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2005. – 606с.
- 2.21. Фридман Л.А. Очерки экономического и социального развития

стран Центральной Азии после распада СССР. М.: Изд-во “Гуманитарий” Академии гуманитарных исследований, 2001. – 212 с.

2.22. Харламова В.Н. Международная экономическая интеграция. М.: Анкил, 2002. – 208 с.

2.23. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. Т.: «Шарк». 2002. – 208 с.

2.24. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.

3. Маълумотномалар ва статистик тўпламлар

3.1. Экономика Узбекистана: аналитический обзор за 2003 год. Т.: 2004. - №4. – 108 с.

3.2. Экономика Узбекистана: аналитический обзор за 2004 год. Т.: 2005. - №8. – 128 с.

3.3. 2008 Population Reference Bureau. Washington 2009.

3.4. Экономика Узбекистана: аналитический обзор за 2005 год. Т.: 2006. - №4. – 97 с.

3.5. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2006. – 97 б.

3.6. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил статистик ахборотномаси. Т.: 2007. – 96 б.

3.7. Экономика стран Содружества Независимых Государств в 2001 году. //Вопросы статистики. 2001. №4. – с.61-66.

3.8. Содружество Независимых Государств в 2003 году: Статистический ежегодник. //Межгосударственный статистический комитет СНГ. – М., 2004. – 672 с.

3.9. Содружество Независимых Государств в 2004 году:

Статистический ежегодник. //Межгосударственный статистический комитет СНГ. – М., 2005. – 659 с.

3.10. Содружество Независимых Государств в 2005 году.: Статистический ежегодник. //Межгосударственный статистический комитет СНГ. – М., 2006. – 668 с.

3.11. 15 лет Содружества Независимых Государств (1991-2005): Статистический сборник /Межгосударственный статистический комитет СНГ. - М., 2006.- 437 с.

IV. Хорижий тилдаги адабиётлар

4.1. Mohammad Selim, Reconceptualizing Gulf Security in the Post – Cold War Era: Towards a New Model, The Iranian Journal of International Affairs, Vol. 7, no. 3, (Fall 1995).

4.2. Export processing Zones: Pwinciples and Practice, UNIDO, 1995.

4.3. United Arab Emirates yearbook 2010.

4.4. United Arab Emirates yearbook 2011.

4.5. 1993, عدد مارس, أوراق الشرق الاوسط, إستراتيجية عامة حول الامة ودول البحر الاحمر. بيسيوني صلاح, 33-38 ص.

4.6. 1999. عمان بيروت, دار الرسالةمدار البشير. إطلالة على البحر الأحمر. الأصبحى أحمد.

4.7. 1993, الرياض-داد المريخ, المدخل الجنوبي للبحر الأحمر. توفيق محمود.

4.8. 1997, النحة, دار الثقافة. الأهمية الإستراتيجية للبحر الأحمر. جردات الرائد.

4.9. 1994, الرياض, معهد الدراسات الدبلوماسية. البحر الأحمر-ندوة, والثروات غير الحية. مصطفى زكى.

4.10. مجلة الكلية القيادة و, الإستراتيجية الأمريكية فى منطقة البحر الأحمر و الخليج العربى. نعمان شيف صادق. 1995-29 العدد, الأركان اليمنية

4.11. المستقبل ". الصراع فى قرن الأفريقى و إنعكساته على الأمن القومى العربى. حسن عبد الرحمن حمدى 1992, 158 عدد "العربى

4.12. العدد "الباحث العربى", وجهة النظر من واشنطنطن. الأهمية الإستراتيجية للبحر الأحمر. ميكل ستيرنير. 1985, الثانى

4.13. 1993, عدد مارس, أوراق الشرق الاوسط-البحر الأحمر أهمية متزايدة أم ماذا. أحمد فخر

V. Интернет сайтлар

- 5.1. catalog.fmb.ru
- 5.2. emirat.ru
- 5.3. ukrtrade.info/ru
- 5.4. dxb.ru
- 5.5. mfa.uz
- 5.6. uza.uz
- 5.7. <http://www.arabic.com.ua/index.php>
- 5.8. devdata.worldbank.org
- 5.9. press.uz
- 5.10. <http://www.emirates.su/>
- 5.11. <http://www.mfer.uz/>
- 5.12. <http://www.ut.uz/rus/>
- 5.13. <http://ia-centr.ru/>
- 5.14. <http://ru.wikipedia.org>
- 5.15. www.uaeyearbook.com
- 5.16. www.cia.gov
- 5.17. krugosvet.ru
- 5.18. dafza.ae
- 5.19. dubai dutyfree.com
- 5.20. jafza.co.ae
- 5.21. hamriyahfz.com
- 5.22. ajman freezone.gov.ae
- 5.23. fujairah freezone.com
- 5.24. cbuae.gov.ae – UAE Central Bank
- 5.25. dcaauh.gov.ae – Dubai airport free zone
- 5.26. uaeinteract.com